

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ—1973**



ШЎХИЙ  
НУРХОН  
МУШКИН  
ХУШНУД  
ҲУЗУРИЙ



САЙФИЙ  
АНИСИЙ  
УЛФАТ  
УМАР  
БОҚИР

# **Чертганд доторимни**

**Ф а з а л л а р**

Республикамизда кўпгина кекса ғазалхонлар яшайди. Шеърхонлар уларнинг барчасини матбуот орқали яхши тавийдилар.

Қўлингиздаги ўзига хос бўлган баёзда ана шундай ижодкорларнинг ғазаллари жам қилинди. Эртаси порлоқ бўлган ҳаётимиз кўксалар қалбига яшариш руҳини бахш этади. Ушбу китобдаги ғазалларда фаровон кунларимиз мадҳи, одоб ва ахлоқ, дўстлик, севги-муҳаббат мавзулари кўйланади.

## Ўз2 О—86

Чергандада дуторимни. Шеърлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

184 бет.

Сарлавҳа олдида авт.: Шўхий, Шариф Нурхон ва бошқ.

I. Авт.

«Эвенит мой дутар» Сборник.

Индекс 7-4-3

Ўз2

# ШЎХИЙ



*Шўхий (Абдуллоҳид Аҳадов) 1916 йилда Наманган шаҳрида ўқимишили оиласда туғилди. Шоирнинг ижоди 1930 йиллардан бошланган. Аввал у классик шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлади, кейинчалик ёзи ҳам ғазаллар ёзди.*

*Шўхий классик шеъриятнинг кўпгина жанрларида қалам тебратишга ҳаракат қиласди. Унинг мусаббас, мурраббаъ ва мухаммаслари, ғазал ва рубоийлари ўқувчиларга таниш. Замонамиёнинг сабит қадамларига ҳам оҳанглик Шўхий шеърларига қанот бағишлайди.*

*Шоир ҳозирги кунда Наманганда истиқомат қиласди. У Наманган консервга заводида бўлим бошлиги бўлиб ишлайди.*

*Шўхий 1944 йилдан КПСС аъзоси дип.*

## УЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

Сайрасам булбул каби арзийди давроним менинг,  
Толеим кулди, чаман бўлди гулиstonим менинг.  
Дилбарим аҳли вафо, йўқ лаҳза ҳижроним менинг,  
Шул сабабдан қолмади бир зарра армоним менинг.

Ким ҳалол меҳнат қилур бўлса жаҳонда баҳтиёр.  
Ким ёмон ниятда бўлса, бўлди кулфатга дучор.  
Кимки, соғ бўлса топар эл олдидага зўр эътибор.  
Үргилай, шундай замонларга фидо жоним менинг.

Меҳнатим, ёrim, диёрим, меҳрибоним сен билан,  
Севганим санъат, элим орому жоним сен билан,  
Узбекистоним, гўзал, боғу маконим сен билан,  
Баҳтиёр этган улуғ ҳалқим қадрдоним менинг.

Доимо қучмоқдаман меҳнат билан шонли зафар.  
Заррача йўқдир вужудимда аламлардан асар,  
Элу юртимда бўлиб Шўхий азизу мўътабар,  
Жилвагар бўлди буқун баҳти фарвоним менинг.

## **НАМАНГАН БОҒИДАН**

Холимас булбул Наманган боғидан,  
Қўрса гар сунбул Наманган боғидан.

Қайси гул шуқратда ғолиб келмаса,  
Жой олиш мушкул Наманган боғидан.

Қизчалар сочин тараши ўрганур,  
Қўрса гар сунбул Наманган боғидан.

Элда катта совға ўрида ўтар,  
Дасталанган гул Наманган боғидан.

Қайсиким ўрик олиб юртин безар,  
Одам эрса бул Наманган боғидан.

Тарқалур илҳом қалам соҳибига,  
Ер юзида шул Наманган боғидан

Ўзгаси топилмагай кўнгул амин,  
Шўхийга мақбул Наманган боғидан.

## КЕЛСАНГЧИ

Кўзим йўлингда бўлди интизор, жонона, келсангчи,  
Жамолинг шамъинга жоним қиласай парвона, келсангчи.

Келишга бир ўзинг ёлгиз эринисанг ногаҳон дилбар,  
Олиб ёнингга бир мөҳитиқо дугона, келсангчи.

Ишонтирган эдинг доим вафодоринг бўлурман деб,  
Агар рост бўлса қилган аҳд ила паймона, келсангчи.

Юрактар толинниб гулзори наслинг қўмсаган чоқда,  
Узинг қилмоққо кўзни ҳуснингга ҳайрона, келсангчи.

Қанотин сен томон ёзмай түриб кўнгул қуши, жонон,  
Қилур илтифот лаъли лабнингдан дона, келсангчи.

Юриб боппим билан боргай эдим имкони бўлганида,  
Маломат қилмасин деб қўрқаман бегона, келсангчи.

Узимни баҳтиёр деб фахр этар эрдим кўришгандা,  
Бу хил Шўхийни қилмай кўнглини вайронна, келсангчи.

## ГУЛ ҚАЛБИ ЙҮҚМИ САНДА

Боғингда гул очилган, кирсам саҳар чаманда,  
Оғзи етиб қулоққа, булбул лабида ханда.

Шундан бүён гўзал ёр, камситганингга додман,  
Булбулга завқ улашган, гул қалби йўқми санда?

Гулдаста боғланганда, ундан кўриб вужудинг, 1,5  
Қаддингни эслагайман, қилмай нафасни канда.

Майли, инон-инонма, ёдинг билан ўтарман,  
Бузса вафони кўнглим, йўқ унга жой бу танда.

Ендиrsa иштиёқинг, ашким билаи сугоргум,  
Севги ниҳоли яшнар, бу чўллаган баданда.

Васлинг гулига булбул янглиғ ўзимни урсам,  
Роҳатланур, тешилса жисмим агар тиканда.

Шўхий деган шопрни ёд айлагай бу авлод,  
Ишқишга содиқ ўлсам, шундай азиҳ ватанда.

## Ч У П О Н Л А Р

Шарафли касбингиз, эл офарин дер сизга чўпонлар,  
Ҳаёт бўстонига сизни десак арзийди боғбонлар.

Улур партиямиз, олтин қўлингиз, меҳнатингизни  
Қадрлаб айтди: чин инсонлару покиза вижлонлар.

Ажойиб хизматингиз орттириб қадрини тобора,  
Ватанда бўлдингиз тенг, сиз, олиб ҳурматли унвонлар.

Эллимнинг номидан шеърлар ёзиб Шўхий букун айтай,  
Яшанг, эй чорвадор, юрт ифтихори, дўсту ёронлар.

## Б У Л М А Г А И

Юртига содиқ киши кибру ҳавоси бўлмагай,  
Узининг обрўси устида биноси бўлмагай.  
Элга ҳурмат, ишда журъат кўрсатар одам эса,  
Унга ҳеч кимнинг ёмонликка ризоси бўлмагай.  
Кўпчилик нафъини ўйладидир адолат бирлаким,  
Яхшилиқдан ўзга дилда мудлаоси бўлмагай.  
Боқмагай оч кўз билан ҳаргиз бироннинг молига,  
Нафсини тийгай, ҳаромга иштаҳоси бўлмагай.  
Давлату ҳалқини тутгай кўзида оқил киши,  
Мансаби устида шахсий ошноси бўлмагай.  
Камтарин бўлгин назар топмоқни Шўхий истасанг,  
Эл назар қиласа умрни интиҳоси бўлмагай.

## ПАХТАКОР

Пахтаңг очилиб ўзбек эли кулди чамандек  
Лол бўлди гулкостон,  
Завқ бирла қўриб, ер юзини бўлди ҳижолат,  
Юлдуз тўғла осмон.

Оппоқ кийиниб, кенг далалар янги келиндеқ,  
Чандон ясанибдур,  
Жилва қиласади, сабза лиbos устида гуллар  
Тебранса у жонон.

Баҳринг очиллар, кўз қамашар, ҳар сари боқсанги.  
Ҳайрат билан дерсан;  
Бахтингга тасанно сени, ҳамма ҳам қойил,  
Майдонингга дехқон!

## А Ж О И Б

Тұти каби мулойим, гуфторингиз ажойиб,  
Сүзлар пишиғу рангин ашъорингиз ажойиб.

Дил пардасини босгач чиққаң садо юракдан,  
Чертганды шүх жаранглар сеторингиз ажойиб.

Хар бир томонга ташлаб құлни, чаманға бошлаб,  
Қокилни бир тарошлаб, рафтордингиз ажойиб.

Раъно десамму, лола, гүё етиб камола,  
Боқсам қиё, уёла рухсорингиз ажойиб.

Боғбонингиз ўзингиз,райхон бүйи сўзингиз  
Гулгун очиб юзингиз, гулзорингиз ажойиб.

Езмоққа шеъру абёт, ўлтирди Шұхий дилшод,  
Билмам, надир яширган асрорингиз ажойиб?

## **АБГОР ҚИЛМАСАНГЧИ**

Шайдолигимни дилбар ишкор қилмасангчи,  
Бўйнимга таъналардан зуннор қилмасангчи.

Ақлу ҳушимни олдинг, қийноққа жонни солдинг,  
Нозу тафофилингни бисёр қилмасангчи.

Кўйдирма бас юракни, ҳажришг ўтида, жонон,  
Битди қарору сабрим, абгор қилмасангчи.

Тунлар кўзимни юммай, ёдинг билан ҳамиша,  
Майқуларимдан мунча белор қилмасангчи.

Ой юзли, кўзи хумор. раҳм айла, эй ситамкор,  
Жабру жафони такрор-такрор қилмасангчи.

Кўйингда неча йиллар ёлборди Шўхий сенга,  
Бечора ошиқингни кўп хор қилмасангчи.

## Х О Р Ў Л М А С

Ватани ким севиб, хизмат қилур, ул хокисор ўлмас,  
Кафилман, дунёда меҳнат элидан асли хор ўлмас.

Жаҳон кўрган эмас, хорликда кимга эт назар қилмиш,  
Ҳалол меҳнат билан ул одами беэътибор ўлмас.

Қовоғу қошидек, иззат талаб инсон, яқин бўлгай,  
Элидан ажрамас, ҳеч ерда кулфатга дучор ўлмас,

Ватани сақласа, кўкрак кериб йўлида жон берса,  
Чаманзор айлагай эл қабрини, чангу губор ўлмас.

Ватанга содигу ҳақига мардона фидо бўлса,  
Яшар минг йил кейин ҳам номи ўчмас, Шўхий хор  
ўлмас.

## ГУЛЧИ ҚИЗГА

Эй гўзал, холингни кўнглимнинг қушига дона қил,  
Ёки ўз шамъи висолингга мени парвона қил.

Боғбонлик касбини бордир ажойиб нашъаси,  
Қўксими богига гул тухмин сочиб гулхона қил.

Сайрасин мангу, ҳазон бўлмас баҳоринг куйида,  
Булбул шайдоларингни ақлидан бегона қил.

Лутф қилган чоғда ошкор айлама, озор етар,  
Сезмасин, бегоналардан мутлақо пинҳона қил.

Айрилиқ солмай десанг бошимга дилбар бир замон,  
Меҳрим уйига хаёлинг доимо ҳамхона қил.

Бахтиёрингман десам арзиди то бўлсам ҳаёт,  
Васли дийдорингга кўэни маҳрам эт, мастона қил.

Янги боғ, янги гулистонимни Шўхий кўргани  
Мирзачўлга аэм ёки Марказий Фаргона қил.

## ЕР УИҚУДА

Субҳидам олсам хабар оҳиста, жонон уйқуда,  
Чеҳраси гулдек очилган, бахти хандон уйқуда.

Тонг ёриб келган шамол ҳарён тараф зар кокилин,  
Бўйидан ҳидлаб ўпар жамбул,райхон, уйқуда.

Ҳар томон саф-саф турагашт этгани гуллар тамом,  
Қадлига таҳсин ўқур шамшоди бўстон, уйқуда.

Ранг-баранг гуллар тагидан бўйлашиб қойил бўлиб;  
Ҳуснига барно жувонлар ҳайрон, уйқуда.

Бир нафас боқдим жамолига нечук уйғонмади.  
Шавқидан Шўхий бу дам бўлди ғазалхон уйқуда.

## ЧЕРТГАНДА ДУТОРИМНИ

Илкимга олиб гоҳи, чертганда дуторимни,  
Сўзлайди очиб бирдан, кўнглимдаги боримни.

Қалбимга назар солсам, сиррин, хабарин олсам  
Қандай унутолгайман ул кўзи хуморимни?

Ҳар дамги фароғатда, лаззатлик ҳаловатда,  
Кетмайди кўз олдимдан сурати нигоримни.

Зулфини тараб дилбар, ҳарёна сочиб анбар,  
Тобора этар хуррам шу фасли баҳоримни.

Севгимга вафойим бор, бу сўзда давойим бор,  
Тандан бошим айрнисин, бузсам бу қароримни.

Севганда ҳайтимни, эркимни, саботимни,  
Посбони бўлай доим, Шўхий шу диёrimни.

## ШАЙДОСИМАН

Сидқидил бирлан кўзинг, шаҳлоларинг шайдосиман.  
Сарв янглиқ қомати зеболаринг шайдосиман.  
Оразинг узра битилган ҳатти райҳонинг ўқиб,  
Мавжи дарёдин баланд маъноларинг шайдосиман.  
Нақд жон бирлан ҳама олам харидоринг сени  
Мен қатори ошиқи шайдоларинг шайдосиман.  
Учмагай токим тирикдирман муҳаббат машъали,  
Парпирағ турган юзинг-раъноларинг шайдосиман.  
Боғ-боғ гул фунча очгандек лабинг хандонида,  
Доналаб терган дури яктоларинг шайдосиман.  
Аксари отмоққа мужгонингни сийнам чокига,  
Ҳукм этарди ханжари бурроларинг шайдосиман.  
Эркалаб Шўхийни ўстирган севикли боғбон,  
Ҳардами, ҳар соати парволаринг шайдосиман.

## А И Л А С А Н Г И З - Ч И

Қириб гулшан аро дилбар, тамошо айласангиз-чи,  
Тараф сунбул бўйин, дилни мусаффо айласангиз-чи?  
Ажойиб сарви нозик қоматингиз кўрсатиб гоҳи,  
Анга бу аҳли шайдоларни шайдо айласангиз-чи.

Ҳаво кибридан оҳиста тушиб, олам сари нурдек,  
Мұҳаббат шуъласин кўнгиллара жо айласангиз-чи.  
Яширган қалбига ўз севгисин, дейди мардумлар,  
Мени сирри инҳонингизга ошпо айласангиз-чи.

Кишилар таънасига заррача ҳам қурби тоқат йўқ,  
Ақалли сайрибогда ўзни танҳо айласангиз-чи.  
Жудолик кунжика бу ташнайи дийдор ўлган деб,  
Висолингиз майин, жонон, муҳајеъ айласангиз-чи.

Неча мактуб ёзиб, муштоқидир Шўхий жавобингиз,  
Қарам бирла буқун тарки таманно айласангиз-чи.

## Ү Р Г И Л С А М

Құтартсанғ парда юздан моқи тобонингдан ўргилсам.  
Табассум бирла отсанғ тири мужгонингдан ўргилсам.

Тутар мушк сақнайи оламни ёзган чоги зулфинингдан,  
Муаттар айлаган ҳар лаңза эҳсонингдан ўргилсам.

Қамолингга боқиб, күз мардумини қўндириб анда,  
Хатингга нуқта леб, холи шабистонингдан ўргилсам.

Такаллум гавҳарин тўлдиргани ўз жомини чоғлаб,  
Тўкарда аста қаҳ-қаҳ лаъли хандонингдан ўргилсам.

Муяссар бўлгуси албатта бир кун васли дийдоринг.  
Мисоли андалиб Шўхий гулистонингдан ўргилсам.

## Д Е И Д И Л А Р РА Ъ Н О

Узоқдан ой юзингни гул, яқнидан дейдилар: Раъно,  
Қўриб айтдим: жамолинг чинданам зебомисан зебо.

Лабингни ғунчага ўхшатдилар, мен бўлмадим рози.  
Дедим — лаъли, тишинг дур, гул руҳингин лолайи ҳумро.

- Чарос — деб кўзларингни мақтасам, кўз мардуминг  
айтди:
- Тилингни сақлагин, эй беодоб, бу оҳуин саҳро.

Санубар қоматингни боғаро шамшод десам айтди,  
Ўвол, bog ичра турмоқ, жойидир чиндан «жаннатул»  
маъво.

Қовогингни қўриб бодому тардир деб гумон этсам,  
— Қўлингдан келмагай таъриф этишилик—дейди бир доно.

Дедим — Ожиз экан тил таърифин этмоқ учун охир,  
Дедилар — Тўғри, Шўхий бўлма дилбар олдида гумроҳ

## **ШАМЪИ ЖАМОЛИНГ ОРТИБ**

Тобора яшнамоқда шамъи жамолинг ортиб,  
Парвона бўлди ақлим, фикру хаёлинг ортиб,

Ишқ оламида шунча шуҳратни касб этибсан,  
Ҳар йўлда оқилона фазлу камолинг ортиб.

Тўтини ром этибсан, гунг ўлди боғда булбул,  
Гулшанни саир этурда ширин мақолинг ортиб.

Сарви юзи кўкарди рашики билан чаманда,  
Товус каби юришда қадди ниҳолинг ортиб.

Кўнгул уйи қоронғу бўлмоқда эй паризод,  
Пайваста бу бошимда савлойи ҳолинг ортиб.

Дардимга чора топмай ҳар кеча тўлганурман,  
Кўнгулда шитиёқи боғи висолинг ортиб.

Шўхийни тортиб олди қалбини шу маҳалла,  
Оҳанрабо мисолий ахлоқи олинг ортиб.

## А И Л А И Д Е С А М

Дилбарим, ишқинг саволига жавоб айлай десам.  
Қўймадинг бўйнимга зулфингни таноб айлай десам.

Ҳусни иқлиминда монандингни кўрмай ахтариб,  
Таърифингга сўз тополмайман китоб айлай десам.

Оразинг гўё қуёш янглиғ вужудим ўртагач,  
Кўз чидолмайдир томошойингга тоб айлай десам.

Рози бўлмайсан нечун ишқинг ўтига кечалар,  
Талпиниб парвонадек бағрим кабоб айлай десам.

Доимо маству аластурман хаёлинг шавқида,  
Тарқалур кайфим, бўлак майли шароб айлай десам.

Ҳар замон кўрсам узоқдан титрабон тол баргидек,  
Боргани журъат тополмайман шитоб айлай десам.

Сендан ўзга кору борим қолмади Шўхий нетай,  
Тарк этолмас заррача кўнглум хитоб айлай десам.

Ер қадимни букиб ё қилмагай,  
Рашқидан багримга ўт ёқилмагай,  
Баъзи-баъзида хато қилсан агар,  
Эътибор ё қилгаю ё қилмагай.

# ШАРИФ НУРХОН



Шариф Нурхон 1901 йилда Бухородан унча **узор** бўлмаган Ваҳимкор қишлоғида камбағал дечқон оиласида туғилди.

Катта рӯзгорни бошқаришга қурби етмаган Нурхон ака ғғалини шу қишлоқдаги Ҳолиқбойга 14 ёшидан хизматкорликка беради. У мадрасаса юзини кўрмади. Фақат ўзининг тиришқоқлиги натижасида атоқли ёзувчи Садриддин Айний түхфа қилган «Ҳафтияк»ни ўрганиб, бир амаллаб саводини чиқариб олди.

Шоир Шариф Нурхоннинг суюги ота касби боғбончиликда қотган. Боғбон шоирнинг ижодий фаолияти 13—14 ёшиларидан бошланган. Үнинг лирик газалларида кишиларни социалистик ватан ўйлида жон-дил билан ҳалол хизмат қилишга, Коммунистик партия ишига доим садоқатли, жонкуяр бўлишга, азиз ва қаҳрамон ҳалқимизнинг муносабиғ фарзанди бўлиб етишишга даъват этади.

Шоир ҳозир Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхозида боғбонлик қиласди.

## МАЙ

Май биэга наҳор билан келибсан,  
Хўб нақши нигор билан келибсан,  
Янгича виқор билан келибсан,  
Байроғу шиор билан келибсан.

Шонли Ҷатаним қўйнида бу гал,  
Мингларча улуг ишин қилиб ҳал,  
Тўшаб дала, қир, боғимда баҳмал,  
Гул, лола баҳор билан келибсан.

Чаман очилиб таралди хуш бўй,  
Тинчлик боғида қизиб ўйин, тўй,  
Топиб Шарифий ғазалига куй,  
Най, тор ва дутор билан келибсан.

## **БУХОРО**

Яшпаб ўсиб ҳамиша қучдинг зафар Бухоро,  
Бойлиги тугамас кон сен мўътабар Бухоро.

Меҳнат ижод туфайли олтин хазина бўлдинг,  
Сенга Аму-Зарафшон қўймоқда зар Бухоро.

Пилла-ю «оқ олтин»инг монанди лаълу гавҳар.  
Ошиқлари диловар меҳнатсевар Бухоро.

Червангда маҳсулот кўп, барни кумушдан афзал,  
Оби наботу меваиг ширин-шакар Бухоро.

Тўқувчи-ю тикувчи зардўз чеварларингни,  
Ҳар қўлига муҳайё юзлаб ҳунар Бухоро.

Газли алангаси-ю Навоий нурхонасин,  
Мафтуни бўлди кўриб шамсу қамар Бухоро.

Нуроний әрди чеҳранг тобора бўлди ёшдек,  
Ҳуснингга орденингдан нур таралар Бухоро.

Партия бошламоқда нодир ғалабаларга,  
Шарифий қилди сендан сўз муҳтасар Бухоро.

## О К Т Я Б Р Ъ

Халқни зулмат қўйнидан озод қилган Октябрь,  
Мустаҳкам диктатура бунёд қилган Октябрь.

Тилкалаб ҳам куйдириб динни асорат пардаси,  
Барча хотин-қизни ҳур дилшод қилган Октябрь.

Зулму озор қасри-ю кулфат билан ғам аждарига,  
Ҳўб мажақлаб барини барбод қилган Октябрь.

Меҳнат аҳлини қилиб илму ҳуқуқдан баҳраманд,  
Янгиликлар конини ижод қилган Октябрь.

Роҳатин кўрган сайин меҳнатни севди халқимиз,  
Улкамизни яшнатиб обод қилган Октябрь.

Маърифат гулзоридан айлаб Шарифийга насиб,  
Яйратиб колхоз сари имдод қилган Октябрь.

## Л Е Н И Н Г А

Доҳий Ленин ҳалқлар сендан қисса иншо айлагай,  
Яйратиб дилларни шоду ҳам мусаффи айлагай.  
Қаҳрамонлар қаҳрамони мангу машъал сен ўзинг,  
Завқу шавқинг бирла ҳар бир ишни аъло айлагай.  
Бахту эркинликни бизга сен мұяссар айладинг,  
Илтифот этдинг ҳамиша амринг ижро айлагай.  
Сен коммунизм қуришга йўлладинг, қурмоқдамиз,  
Бунга ўз ҳиссамни қўшиб зебу оро айлагай.  
Меҳнат аҳлига ажойиб таълиминг қўлу қанот,  
Ҳақлиман лозим топилса сайру само айлагай.  
Мақсадим сайдераларга ўрнатилсин ҳайкалинг,  
Мен — Шарифий эл қатори хўб тамошо айлагай.

## **КЕЛИНГ ДҮСТЛАР, БИРЛАШАЙЛИК**

**Маври билан тожик тоға, келинг, дүстлар бирлашайлиқ,  
Ўзбек, жуҳут, туркман оға, келинг, дүстлар бирлашайлиқ.**

**Нуғай, ўрис, қорақалпоқ, жўги, ҳинди, қирғиз, қозоқ,  
Энди бўлинг яхши ўртоқ, келинг, дүстлар бирлашайлиқ.**

**Бирлик бўлса барча миллат, пайдо бўлар қувват,  
Журъат,  
Қўлга кирар баҳту давлат, келинг, дүстлар  
Бирлашайлиқ.**

**Амир урди тиф юракка, энди юрманг якка-якка,  
Бирликда бор куч, барака, келинг, дүстлар  
Бирлашайлиқ.**

**Ҳуррият ҳам бўлиб қолар, иқболимиз кулиб қолар,  
Ленин бобом келиб қолар, келинг, дүстлар бирлашайлиқ.**

**Унга бўлиб дўсти ҳамдам, ишларига қилинг ёрдам,  
Ҳамкор бўлар Шарифий ҳам, келинг, дүстлар  
Бирлашайлиқ.**

## ҲАМИД ОЛИМ ЖОН (мувашишаҳ)

Ҳақиқат қасрига оро бериш-чун интилиб ҳар ён,  
Адо бўлмас гул ўтқаздинг ижод бодига эй бодбон.  
Мусаффо навбаҳор қалбинг ҳарорат, баҳра етказди,  
Ижодинг гулшани ичра кўпайди сунбулу райҳон.  
Димофимни шу гул, райҳон муаттар қилди мамнун мен,  
Очилиди кўнглиму фикрим тараалди дурлари ҳар ён.  
Лиринанг гулшанин севган саёҳат айлаганлар кўп,  
Ижодкорин номин ёёсам тўлар ҳаттоқи кенг осмон.  
Муносиб ҳиссалар қўшдинг камол топган диёримга,  
Жамолинг ой қаби мангу турар оқилу пок виждан.  
Олиб шеъримнинг бош ҳарфин ўқиб номингни эл билгай,  
Нодир дурлар Шарифийга қўйиб кетган сахий карвои.

## С Е В Г И Л И М

Ўн саккиз ёшга кирди севгилим кўзи хумор,  
Бир ўзида ўн саккиста навбаҳорнинг ҳусни бора

Севгини пинҳон тутишга ҳеч иложим етмади,  
Ишқи ғолиб чиқди мендан, қилди элга ошкор.

Во дариг у нозанинни ўзгага ёр этдилар,  
Инглади ҳар кипригидан оқди ёшлар юз қатор.

Қўйди бағрим, ёнди жисмим, устухоним бўлди чўғ,  
Үртаниб бу ўтга жоним қолмади сабру қарор.

Айрилиғ дарди йиқитди ғам тегирмони аро,  
Хору зор жисмим ээилиб бўлди гард бирла ғубор.

Э ғуборим, севгилимни юзларига қўимангиэ,  
Бўлмасни ойдек жамоли хира нурли доғдор.

**Жойлашиб кафшига қўйган кийгизини остига,  
Мен учун ўпинг оёғин яйрасин у дилфикор.**

**Юрса ҳам маҳсию кафшини товушига жўр бўлиб,  
Бу Шариф Нурхон сўзи деб куйлашинг гул ёр-ёр.**

## ЗИЛОЛ СУВ

Тоғдан тушаётганда ашъор айтди зилол сув,  
Оқавериб ирмоқни анҳор этди зилол сув.

Очдик, келди биз томон, ГЭСимизга кирди жон,  
Кишлогимни чарогон, гулзор этди зилол сув.

Сув бўлди чўлга яқин, ошиқ топди маъшуқин,  
Келтирганга офарин изҳор этди зилол сув.

Сув-ла шоли бўлди мўл, гулдан либос кийди чўл,  
Бўз ерга ҳам очдик йўл, баҳор этди зилол сув.

Сувдан қониб янги ер, менга деди:— Яша шер,  
Мўл ҳосилни олавер, тайёр этди зилол сув!

Шарифий гулбогимни, завқу роҳат чоғимни,  
Минглаб пахта тогимни қатор этди зилол сув.

## СИЗ МЕНГА ёР, МЕН-СИЗГА

Ёшликда бердим кўнгил эй дилрабо сиз қизга,  
Хуснингиз ойга ўхшар, кўзларингиз юлдузга,  
Боғларда юрганимиз келарми эсингизга?  
Яйраб камолга етдик, сочингиз тушди тизга,  
Энди келинг бўлайлик сиз менга ёр, мен — сизга

Мирзагулистон ичра тураг янги маконим,  
Меҳнат, ижод туфайли юксалди пахта коним,  
Тогдан ҳамиша улкан мева-ю шоли, донним,  
Сайр этасиз қувониб жонони меҳрибоним,  
Энди келинг бўлайлик сиз менга ёр, мен — сизга.

Ортиб Шарифий янглиғ келишга журъатингиз,  
Мазмунга лимма тўлиб ҳар кун келар хатингиз,  
Тутқаздингиз қўлимда гул бирла суратингиз,  
Шунда билиндї менга чексиз муҳаббатингиз,  
Энди келинг бўлайлик сиз менга ёр, мен — сизга.

## МЕВАЗОР БҮЛСИН

Дер эдим етти ёшимда ниҳол экай, қатор бўлсин,  
Ниҳолга баҳра бериш-чун дилим ҳам навбаҳор бўлсин.

Ёшим ўн бирга етганда шу орзумга эришдим мен,  
Деди дўстлар улуғ касбинг муборак, барқарор бўлсин.

Ҳамиша мақсадим ишлаб етиштирган гулу мевам,  
Қадирдан меҳнат аҳлиға шифо бирлан мадор бўлсин.

НИҲОЛ ЭКИШГА САРФ ЭТДИМ ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, ҲАЁТИМНИ,  
ИШИМДАН ЭЛ ОЛИБ ЎРИАК САҲИЙ ТАЖРИБАКОР БЎЛСИН.

Агар ўлсам таним хоки қувват бергай ниҳолларга,  
Юрак-бағримни тупроғи беҳи, олма, анор бўлсин.

Ховучимга данак ушлаб ўлай кўминг ниҳол чиқсан,  
Шарифингиз мазори ҳам севимли мевазор бўлсин.

## **МУҲАББАТ ОИЙМУ**

Севди бир қиэни кўнгул ёки унга шайдойиму? 1,5  
Толпинар жоним мудом бу ҳам унга фидойиму?

Ишқ ўтини ўқ қилиб отиб дилимга жойлаган,  
Юз ҳунарли қўлиму ё қора қоши ёйиму?

Қуйласа у нозанин сайроқи қушлар лол бўлар,  
Сўзиму қанду асал ё икки бодом мойиму?

Шу гўзалин гулшани доим хумор айлар мени,  
Ё шу икки севгини мангу уланган жойиму?

Ҳур замондан ўргилай шу қиз, Шарифий менга ёр.  
Қулбам узра нур сочар ҳусну муҳаббат ойиму?..

## ЗАР ДАРЕСИ

Бир тун жамолингга боқдим Зарафшон,  
Осмон каби сен ҳам юлдузларга кон,  
Қўксингда ордендек порлаб тураг ой,  
Бу ҳам чиройингга қўшмоқда чирой.  
Мени меҳмон қилди мироб боғига,  
Баҳранг қучиб олди ўз қучоғига.  
Соҳилинг қушлари ўқиди ялла,  
Тўлқинларинг менга айтишдан алла.  
Шифобахш шабоданг тинмай сийпалаб,  
Гул ҳидлатиб турди сочимни тараб.  
Шундай роҳатда ҳам келмади уйқум.  
Ҳаддан ошиб кетди қувончим — завқим.  
Сенга минг боқсан ҳам кўзим тўймади,  
Мени ўз ҳолимга ишқинг қўймади.  
Фазилатлик дарё хулласи калом,  
Мадҳингни ёзмасам қўймади илҳом.  
Шу он Қуёш чиқиб боқди мўралаб,  
Зар зулфин тузатди юзингга қараб.  
Яна сенга боқдим, эй шўх Зарафшон,  
Сенда ҳам бор экан Қуёш ва осмон.

**Соҳилингда ўсган кўп турли гиёҳ,**  
**Қайрилиб ҳуснингга қиласадир нигоҳ.**  
Сувинг остидаги дилрабо тошлар,  
Тўлқинлар оёғин қитиқлар — қашлар.  
Яшинмачоқ ўйнар қайроқча-ю қум,  
Бир ерда тўхтамас, бари жуда шум.  
Чунки сув кўпайиб тўлқинлар шошидик.  
Оғиздан кўпиги ҳар томон тошди.  
Оқ салла тўлқинлар лўкиллаб кетди,  
Гирдоб айлантириб барини ютди.  
Икки тўлқин бўлиб ёқама-ёқа,  
Тортишиб, сурулиб кетди узоққа.  
Кифти билан уриб икки-уч тўлқин,  
Ўзириб ташлади дарёнинг лабин,  
Майда тўлқинчалар йўргалаб кетди,  
Бир-бирини қушиб бўсалаб кетди.  
Бир каттакон тўлқин ўрнидан турди,  
Дарёни лойлатиб олдига юрди.  
Тилини узатиб қирғоқни ялаб,  
Бўкирди, сапчиди дарғотга қараб,  
Бир қулочин ёэди кўприкка етди,  
Мажнунтолнинг сочин совунлаб кетди.  
Кокил билан уриб тўлқинни дарҳол,  
Сочин ювиб олди кекса мажнунтол.  
Тўлқинлар келишин қувур кутарди,  
Барини бир ямлаб ютиб юборди.  
Кўп тўлқинни ютиб яна шўх қувур,  
Оғизин катта очиб қиласар «қарру-қур».

Қувурнинг талабин зўр сув қондириб,  
Ильич чироқларин қийғос ёндириб.  
Бориб бўз ерларни яшнатди роса.  
Ҳосилларга қўшди муносиб ҳисса.  
Мўл-кўлчилик бўлди эл шоду — мамнун,  
Нодир ютуқларни қилмоқда якун.  
Шонли зар дарёси манзаранг гўзал,  
Зилол сувинг бизга зардан ҳам афзал.

## Ч У П О Н Қ И З

Ҳусни моҳитобонимсан чўпон қиз,  
Тоза гули райҳонимсан чўпон қиз,  
Сут соғишга чаққонимсан чўпон қиз,  
Ҳам севгилим, ҳам жонимсан чўпон қиз.

Кулишингдан ўрнак олиб гул-лола,  
Бўлди худди сен чой ичган пиёла,  
Севгинг ўти куйдирди, сен давола.  
Ишқ дардига дармонимсан чўпон қиз.

Беш кун мени жамолингга зор этдинг,  
Севги боғин кўзларимга тор этдинг,  
Қирда келиб суҳбатингга бор этдинг,  
Жондан азиз меҳмонимсан чўпон қиз.

Қиё боқиб менга атаб най чалдинг,  
Раҳмат десам яйраб, кулиб уёлдинг,  
Аста-секин қалбим томон йўл олдинг,  
Дил боғимга боғбонимсан чўпон қиз.

Шарифим деб менга қилдинг наzzора,  
Меҳрим қўйиб севдим сени тобора,  
Хуснинг ҳаққи, қилма мени овора,  
Энди бўлгин жононим сан, чўпон қиз.

## **ҚУЛИБ ЎТДИ**

Үйқумда менинг севгили дилбар кулиб ўтди,  
Қайрилди, салом берди, саросар кулиб ўтди,  
Кийган кийими зар ила зевар кулиб ўтди,  
Жонон мени кўрганда муқаррар кулиб ўтди,  
Меҳри менинг жонимга баробар кулиб ўтди.

Үйгондиму шу дилбарниң маконига бордим,  
Озода-ю ораста гулистонига бордим,  
Олма оламан деб боғу бўсточига бордим,  
Саллона-ю мастона юриб ёнига бордим,  
Жонон мени кўрганда муқаррар кулиб ўтди,  
Меҳри менинг жонимга баробар кулиб ўтди.

**Мен сўзга тутиб дилбарниш дийдорини кўрдим,**  
**Қошлири қаро, кўзлари хуморини кўрдим,**  
**Қўлига китоб бердиму гуфторини кўрдим,**  
**Силкинди, қадам ташлади, рафторини кўрдим,**  
**Жонон мени кўрганда муқаррар кулиб ўтди,**  
**Меҳри менинг жонимга баробар кулиб ўтди,**

**Билдимки, ўшал уйқуда кўрган паризод шум,  
Қош кўзи қора кулча юзу кокили сунбул,  
Нурхонга бериб қўли билан даста қизил гул,  
Сўзлашди табассум ила шу лаблари булбуад,  
Жонон мени кўрганда муқаррар кулиб ўтди,  
Меҳри менинг жонимга баробар кулиб ўтди.**

## РҰЗА

Айлайин дүстларга мен бир қисса иншо рұзадан,  
Тұтсанғыз қувват кетиб титрайди аъзо рұзадан,  
Динчи әшонлар қилас бир турфа савдо рұзадан,  
Фитри рұза деб йиғар күп молу дунё рұзадан.

Динга бұлмишдир қурол қуръондаги афсоналар,  
Хонақо масжид билан меҳроб ибодатхоналар,  
Рұза ушлаб оч юриб, орпқланиб ҳамхоналар,  
Қилманғыз турли касал, иллатни пайдо рұзадан.

Рұза туттан бир киши жисми бежондан кам әмас,  
Сап-сариқ бұлған юзи барги хазондан кам әмас.  
Әскиликни иллати заҳри чиёндан кам әмас,  
Тутманғыз бир кунни ҳам ёронлар асло рұзадан.

Қел Шарифий энди ёз бир җажвий ашъор айлагин,  
Рұза, ифторни сирин оламга ошкор айлагин,  
Динни бу найрангидан әлни хабардор айлагин,  
Ишга тұсқинлик бұлар ҳам жонга жафо рұзадан.

## МЕН УХЛАМАЙ КИМ УХЛАСИН

(Бир колхоз раиси тилидан ёзib олингани)

Колхозимиз юксалди-ку, мен ухламай ким ухласин,  
Хеч ким демас асло у-бу, мен ухламай ким ухласин.

Ёрдамчилар пахта терар, пулни эса колхоз берар,  
Чўнтағимга келмас зарар, мен ухламай ким ухласин.

Пахта чўкиб қолса агар, елкамдами, ер кўтарар,  
Мажлис деса муовин борар, мен ухламай ким ухласин.

Бузуқ ётар кўп машина, механик бор — менга нима,  
Қониб ичиб топиб пана, мен ухламай ким ухласин.

Тўлмай қолса пахта план, агрономни дейман ёмон,  
Партком олар виговоржон, мен ухламай ким ухласин.

Район, областда жўралар, ҳовлимга келиб туралар,  
Чора кўрмай ҳурмат этар, мен ухламай ким ухласин.

## **НОС ҲАҚИДА**

Сўзларимни тингла Миркамол,  
Кўнглингга олмагин малол,  
Ўз ақлингни ўзинг ишга сол,  
Ҳали ёшсан мисоли ниҳол,  
Носни чекма, дўстлардан уёл.

Нос қилди-да тишингни сариқ,  
Баданингни чўп каби ариқ,  
Носда оҳак борлиги аниқ,  
Шу киргизиб ўлкангга оғриқ,  
Соғлигингни айлади поймол.

Шарифийнинг сўзин эт асос,  
Чекмасликка энди қўй ихлос,  
Ўзингни қил носвойдан халос,  
Пок оғзингни айлама ифлос,  
Пулингни ҳам қилмагин увол,

## ФАРДЛАР

Тил дарахтдек, сўз мисли барг меваси маъно,  
Шу мевани кўпайтиргин сен бўлсанг доно.

Рост сўзлагин, ёлғон, гийбат сўзларни айтма,  
Инсон бўлсанг ўз ваъдангдан ўлгунча қайтма.

Халқ ичида чиқарса яхши деган ном,  
Уни ҳамма-ҳамма севиб қиласр эҳтиром.

Ешлигинда ақлу кучинг ишга солиб қол.  
Хизматин қил халқ қалбидан ўрин олиб қол.

Илму ҳунар дурдонага тўлиқ икки кон,  
Шу дурлардан олиб бергин, наф кўрсинг нисонъ.

# МУШКИН



*Шоир Мушкин (Хусанхон Абдулхайрихон ўғли) 1903 ёили Тошкентнинг Ялангқар маҳалласида қашшоқ бир оиласада дунёга келди. Бу маҳалла ва даҳага яқин адабий мұхит ұқишига иштиёқи эрта үйғонған бу зийрак шогирд құлшыны қаламга ҳам эрта юбордин.*

*Еши ғазалхоннинг иқтидорини ұша вақтда Тошкент аломалари орасида нұфузи баланд шоир Мискин пайқаб қолди. Бу ўнинчи йилларнинг охирлари эди. Энди у Мискин, Камий ва Хислатлар сүхбатидан баҳраманд бүла борди...*

*Мушкин үз ғазалларыда ұзига замондош бўлган кишиларимизнинг ҳаётини қаламга олди. Ғазалга янги замон руҳини олиб киришига ҳаракат қилди. Ҳалқлар доҳийиси — Ленинни улуғлайди, ҳалқимизнинг меҳнатдағы зафарларидан қувониб шеърлар ёэди ва ёзаёттир.*

*Хозир Мушкин Тошкентнинг «Бобир» маҳалласида жашайди.*

## Л Е Н И Н

Үйүг, шафқатнавозу халықпарвар, меҳрибон, Ленин  
Бўлибсан меҳрибонлик бирла машҳури жаҳон, Ленин.  
Кириб сен бошлаган ҳақ йўлга меҳнаткаш, эзилганлар,  
Совет даврида бўлдилар чунонам шодмон, Ленин.  
Безалди шаҳру, қишлоқ, кўча-кўйлар, хонадонлар ҳам  
Ҳама озоду, эркинлик билан хуррам замон, Ленин.  
Фаровонлик била обод бўлди мамлакат ящнаб,  
Қўринди кўзга ҳар кимда саодатдан нишон, Ленин.  
Халойиқ тинчу, осойишта-ю кўнгиллари равшан,  
Ҳамиша сен яратган мамлакат дориламон, Ленин.  
Оқ олтиндан гапирсам сўзларимни мухтасар айлаб,  
Муборак, Узбекистон бўлди олий пахтакон, Ленин --  
Нечоғлиқ баҳту, иқболу, саодатдирки васфингни  
Муяссар бўлди Мушкинга, ёзиб қилмоқ баён, Ленин.

## ЕШЛИК ҲАҚИДА

Хўб бир ғанимат эркан ул наўбаҳори ёшлиқ.  
Қаидай гўзал, чиройлик ҳам беғубори ёшлиқ.  
Қўзларда мавж уриб нур жисм ичра қувватинг зўр,  
Ҳар дамда бахши айлар танга мадори ёшлиқ.  
Ранглар тиниқ, мусафро, озодаликда танҳо.  
Гулчеҳраликда аммо бир гул узори ёшлиқ.  
Ёшликни зийнатига боқсанг кўзинг қамаштгай,  
Қилсанг ажаб ярашгай кўп ифтихори ёшлиқ.  
Ҳар бир тараф узатсанг қўл, мақсадингта етгай,  
Иқболу бахт бошингда ҳай-ҳай қатори ёшлиқ.  
Таърифи тавсифингни назмида ёэди Мушкин,  
Халқ ичра қадри олий зўр эътибори ёшлиқ.

## НОЗИДАН

Дүстлар, ман найлайин, ўлдим нигорим нозидан,  
Меҳри шафқат бўлмаса ул нозанин таннозидан.  
На сабабдан, билмадим, манга мухолиф донмо,  
Бўлмади бир йўл муросо меҳри йўқ носозидан.  
Қўлга танбурни олиб қилсан наво ҳам боқмади,  
Чоргоҳ гуллар этиб ман айласам шаҳнозидан.  
Ҳар замон оро бериб бирдам ёнимга келмаса,  
Манфаат йўқ манга ҳеч бир бу қуруқ пардозидан.  
Ҳасратимни этгали ёrim мувофиқ бўлмаса,  
Қимга айтиб қутқарай Мушкин дилимни розидан.

## ТАСАДДУҚ

Қилай жоним, кел э ёрим тасаддуқ,  
Ұзингсан яхши дилдорим, тасаддуқ.  
Такаллум айласанг ширин адосан,  
Ажойиб шахду гуфторим, тасаддуқ.  
Қадам құйғанда бир-бир ноз бирлан  
Ұзинг товуси рафторим, тасаддуқ.  
Давон дағъы хұмморимга бешак  
Әрурсан чашми хұмморим, тасаддуқ.  
Суманбар ёки бир насрину раъно  
Гулистон ичра гулнорим, тасаддуқ.  
Қаро құзлик ширин сүз дилбаримсан,  
Ажаб бир лола рухсорим, тасаддуқ.  
Бўлурму санга манзур деб умидим  
Тутар кўз Мушкин ашъорим, тасаддуқ.

## **УСТОЗ АЛИШЕР НАВОИЙ ВАСФИДА**

**Азиз ҳазрат Навоий халқпарвар, меҳрибон устоз,  
Эдингиз эл учун жон борича оромижон, устоз.  
Чекиб раиже машаққат, ранг-баранг ҳикматли  
жонпарвар,**

**Асарлар қолдирибсиз, бўлди халқим шодмон, устоз.  
Еқимли наъма бирла баҳр олиб ашъорингиздан эл  
Кўтарди кўкка ҳурмат бирла бу янги замон, устоз.  
Садоқат бирла тун-кун эҳтиром айлар замон аҳли,  
Қилибсиз халқ учун девону достон армуғон, устоз.  
Мукаммал васф этолмасман, тилим лолу қалам ожиз  
Қидай Мушкин самимий эътиқодимча баён, устоз.**

## ИШТИЕК

Эй, баҳодир, мард йигит, ҳимиат билан меҳнатта боқ.  
Лойиқи ҳурмат бўлса ким ишда нўноқ.  
Тер тўкиб ишлаб ҳамиша ғайратингнинг нурижин  
Рӯшноликнинг чароғин ҳар нафас ҳар дилга ёқ.  
Кўрсатиб элга ўзингни мард-майдонлик қилиб,  
Бахти-иқбулу саодат ёрлиғни кўкракка тоқ.  
Ишласанг ҳар дсимо покиза виждонинг билан,  
Бўлғусидур оқибат шону шараф, солғил қулоқ.  
Бу насиҳат сенга, билсанг, Мушкин эй, огоҳ бўл,  
Ҳар киши ҳурмат топар меҳнатта бўлса иштиёқ.

## Ў Й Н А С И Н

Ҳер қадамда силкиниб ул ёр-жонон ўйнасиц,  
Билмасин, бегоналардан, балки, пинҳон ўйнасиц.  
Қўз учида бир боқиб, гоҳи табассумлар қилиб,  
Ҳам этиб ошиқларига лутфу-эҳсон, ўйнасиц.  
Мубталоларнинг талаб ҳам илтимоси шул эрур,  
Ноз бирла завқида бўлганча имкон ўйнасиц.  
Рўшилиқ даҳр аро бўлсин олиб юздан ниҳоб,  
Қўрсатиб ойдек жамолия намоён ўйнасиц.  
Зар нисор айлай десам, зар бошида офтоб мисол,  
Мушкин айларман анга нақди фидо жон, ўйнасиц.

## **НАВРЎЗИ ОЛАМ МАДҲИ**

Чаман булбуллари наврўзи оламда садо қилгай,  
Гул эрса кўрсатиб булбулга ўзни ҳушнаво қилгай.  
Баҳор айёми кўм-кўк сабза бирла баҳраманд айлаб.  
Насимий бирла бемор аҳлига тун-кун даво қилгай.  
Ажойиб завқ бирла жўш уриб ҳар дилда хурсандлик.  
Ҳама катта-кичиклар ўйнашиб, нашъу-намо қилгай.  
Гузиб ҳар боғу гулзор ичра қизғин базму суҳбатлар.  
Қўшиқлар айтишиб, созандалар машқин бажо қилтади.  
Гиёлар ранг-баранг яшнаб, ўсиб, ҳар боғи бўстонда,  
Қиё боқсанг аларга қўзларингни рўшно қилгай,  
Халойиқни кўринг наврўзи олам шеваси Мушкин,  
Олиб эркин нафаслар, яйрашиб касби ҳаво қилгай.

## МАРСИЯ

(Ўзбекнинг атоқли шоури марҳум Faфур Fулом  
вафотига)

Эй, азизим, қадрдоним, муҳтарам Faфур Fулом,  
Ўзбекистонда адиблар сарвари, олий мақом!  
Қалби илҳом бирла тўлган соҳиби фазлу камол,  
Феъли-автори ёқимли, турфа бир ширин калом!  
Ашки олим қанча тўксам, шунча камдур, оҳким,  
Бемаҳал ичдинг ажалнинг шарбатидин тўла жом.  
Бу оғир кулфат, мусибатга қариндошу элинг,  
Хонадонинг, ёру дўстинг ёш тўкар, эслаб мудом.  
Достон айлаб сўзинг, ҳеч ким тилидан қўймагай,  
Барча эл ҳар кунда ёд этгай сени, ҳар субҳи шом.  
Бу ёруғ дунёда кўздан маҳв бўлсанг ҳам ўзинг,  
Офарин, оламда қолдирдинг чунонам яхши ном.  
Меҳрибонлик бирла доим ҳалқпарварлик қилиб,  
Қанча ҳикматлик асар қолдирдинг, айлаб эҳтимом.  
Қайси ерда, қайси элда, қайси тилда бўлса ҳам,  
Шубҳасизdir, ўлкамизда ҳурматинг эткай давом.  
Мухтасар қилдим ёзиб Мушкин, ҳақиқатдир сўзим,  
Ўчмагай дунёда номинг мутлақо, Faфур Fулом.

## ОШИҚОНА ШЕЪР

**Маҳвашлар ичра ёрим бир нуктадон эмасму,**  
**Кулса қилиб тақаллум ширин забон эмасму?**  
**Шавқида мисли мандек кўрганда гул юзина,**  
**Гулшанда исла айлаб булбул фифон эмасму?**  
**Бир-бир босиб бу алиф юрганда ноз бирлан,**  
**Ҳар қайсн қадамиға юз садқа жон эмасму?**  
**Қандай илож этурсиз, эй муддай табиблар,**  
**Бу танда ишқи дарди кўздан ниҳон эмасму?**  
**Бош ургали ҳамиша ишқ аҳли яхши билса,**  
**Маъшуқа осто ни доим макон эмасму?**  
**Ул ёри ҳасратида ортиқча кулфатида,**  
**Мушкинни ҳоли бу кун элга аён эмасму?**

## А И Л А Н А Й

Эй, баҳодир, мард йигит, сўзга қулоқ сол, айланай,  
Кунда кўп ул пахтазорингдан хабар ол, айланай.

Аҳду-паймон айладинг ҳалқ олдида имзо чекиб,  
Тонналар пайдо бўлур тўпланса мисқол, айланай.

Юзлар оқ бўлсин, планлар юз бўлиб, дил бегубор,  
Ошу ион олганида оғзингда бўлур бол, айланай.

Меҳнатингдан ибрат олсин кўрса ким, таҳсил ўқиб,  
Тан бериб ҳайратда қолсин ул бўлиб лол, айланай

Ишла эй, Мушкин, фидокорона эл баҳти учун,  
Уйласанг, меҳнатга боғлиқ баҳту иқбол, айланай.

## ТОПДИ

(Профессор Ражаббек Исломбек ўғлига)

Ражаббек, оғарин, кўп ҳасталар сендан даво топди.  
Саломат бўл ҳамиша, ҳикматингдан муддао топди.  
Ниҳоят дард тортиб дардманлик бирла қийналган  
Халойиқлар чунон ҳам неча минг-минглаб шифо топди.  
Агар беморга бир чора қилмоқ ибтидо қиласанг,  
Бўлуб соғу саломат яхшиликдан интиҳо топди.  
Ҳама бетоб аҳлии хулқу одобниг қилиб мамнун,  
Шифобахш сўзларингдан ҳаста диллар кўп ризо топди.  
Ражаббек, ҳалқ учун хизмат қилиб бу яхши давр ичра,  
Муборак сенга номинг, шуҳратинг бундай садо топди.  
Тилар Мушкин ҳамиша иззату ҳурматда бўлсанг деб,  
Қиши ҳурматга доийиқ бўлса ул бир кимиё топди.

## ПАХТА ҲАҚИДА

Яхши имконлар топилсин бора имкоя устина,  
Пахта майдонлар қўшилсин пахта майдон устина.  
Катта хирмонлар этилсун катта хирмон устина,  
Яхши достонлар тўқилсин яхши достон устина,  
Пахта карвонлар кўпайсин пахта карвон устина.  
Баҳра олсак мундин ортиқ ўрганиб илму ҳунар,  
Ҳар неча иш устида диққат билан айлаб назар.  
Кимки меҳнат севса бўлтай халқ ичинда мўътабар.  
Истасак топмоқ учун ҳар янгиликдан бир хабар,  
Энди осмондан учайлик бошқа осмон устина.  
Эй, биродар, ишни бошланг яхши бир ният билан,  
Сидқи дил бирла келинг меҳнат учун ғайрат билан,  
Обруй пайдо қилинг бу эл аро ҳиммат билан,  
Ҳар қаю бир нозу неъматга боқинг ҳурмат билан,  
Шодмонлик ҳаддан ошсин кулгу хандон устина.  
Назми таҳрир айлади бу Мушкини диққат қилиб,  
Авф қилсунлар хатосин ёзди билмай ё билиб,  
Бу замон илҳомидан ҳар доимо илҳом олиб,  
Дам-бадам тинчлик, фаровонлик тиларман интилиб,  
Бўлса дерман кўп шараф-шон бу шараф-шон устина.

## МУШУГИМ ҚИССАСИ

Бор эди ҳовлида бир отлари Мошхон мушугим,  
Ҳусни бобида ажаб турфа келишкон, мушугим.

Юрадур аста-секин барча кавакларни қараб,  
Ҳама вақт журъат этар тутгали сичқон, мушугим.

Кунда бир анга семиз учрамаса сичқондан,  
Бошини ерга эгиб табъи паришон, мушугим.

Табъи нозик, зийрагу, ақли расо пурдондир,  
Жуда ҳам кўҳлигу жонон ўзи хандон, мушугим.

Кечалар ҳовлида юрса ҳамани равшан этиб,  
Кўзлари ўтча ёнар шаъми-шабистон, мушугим.

Езодур назм ила Мушкин жуда кўп таърифини,  
Ҳайрихоҳ менга ўзи, уйга нигоҳбон, мушугим.

# ХУШНУД



*Шоир Ҳушнуд (Аҳрор Музafferov) 1910 йилда Тошкентда туғилган. Шоирнинг отаси ўқитувчи бўлганидан у саккиз ёшида савод чиқарди.*

*Ўз ижодини 1950 йиллардан бошлигани шоир, ёзган газаларида давримизни улуғлади, янги замон қуришда ютуқларни қўлга киритаётган халқимизни мадҳ этди.*

*Ҳушнуднинг кўпгина газаллари, мухаммаслари матбуотда эълон қилинган.*

*Асл касби ўқитувчилик бўлган шоир ҳозир пенсия олади.*

## БАҲОР

Ҳай-ҳай, нақадар яхши баҳор хилъати зебо,  
Ҳар хил келиши мисли келин ўлкамга раво;  
Еллар ўйини бирла этиб қасбини адо  
Ҳар ёнга чекиб санъатни қилди ҳувайдо.

Э, аҳли ватан нияти пок тоза юраклар,  
Қутлуғ бу баҳор қўйни тўла орзу тилаклар.  
Аҳдига вафо дилкаш этиб марду малаклар,  
Ҳай-ҳай, бу шараф бирла зафар шуъласи пайдо

Ҳар тонгда қуёш жилва қилиб эҳсон этиб нур,  
Юртимга само денгизидан сочди олиб дур,  
Хушнуд безаниб жўш уродир меҳнатда, ҳузур,  
Ҳай-ҳай, на қадар завқи баланд булбули гўё.

## Ч Е Р Т Д У Т О Р И Н Г

Черт дуторинг, мутрибо, кўнгулда армон яйрасин,  
Хуш садоси бирла тан мулкида ҳам жон яйрасин,  
Пардалардан чиққан оҳангидаврон яйрасин,  
Дилрабо бу соз ила ишқ аҳли ҳар он яйрасин.

Бу дутор санъатга бой, ўзбек элининг созидир.  
Барчани курсанд этиб келган юрак пардозиидир  
Сайри боғ этганда бу булбулни жўр овозидир.  
Қил тараннум баҳт қуйин боғу гулистон яйрасин.

Қўп замон улфат бўлиб келмиш сарой аҳли билан  
Зулм ила даврон суриб ўткунчилар насли билан  
Хизмат этмиш беҳаёлар баэмсида майли билан  
Энди эркин зарб ила гулшандадон яйрасин

Машқ қилинг, эй ёрлар, дутор билан сеторини  
Сарв ноз бирла муножот, гул ўйин гулёрни.  
Гади-гаҳи роҳат билан масрур этинг ҳуморни,  
Бу ажойиб даврда куйлар фаровон яйрасин.

Хушнудо, ҳушвақт бўлиб тингла дутордан хуш нидо,  
Меҳнат аҳлига бўлур савти аниңг руҳий гизо,  
Бу тифо баҳт мўъжиза дардли юракларга даво  
Моҳир устоэлар қўлида бу қадрдан яйрасин

## Н Е У М Р

Не умрдирким ўтибдур дунёда дилдорсиз,  
Ва на турмушдир ажаб, бу жаҳонда ёрсиз.  
Кирмагил гулшан аро ҳар ерда шодлик истасан  
Дил боғини яшнатувчи дилрабо, ҳуш ёрсиз.  
Тутма суратдан одам деб ҳар кими, эй пок дид,  
Гарчи дилозор бўлса, эл ичинда орсиз.  
Сайри боғ этманг, ёронлар, жоҳил инсонлар билан  
Гулмисиз, гулшанмисиз онлар ичинда ҳорсиз.  
Гар шарофат аҳли бирла мунис ўлса ҳар киши  
Ўтмагай фурсат ғанимат нафъи йўқ гуфтурсиз.  
Беайб инсон эмас, айбига иқрор бўлмаса,  
Ҳар айб, шаксиз, тузалгай режаси инкор сиз,  
Э ёронлар, хушнуд айланг ҳар нафас Хушнудни  
Хулқидин иллат топиб огоҳ этинг озорсиз.

## Ч А М А Н Д А

Чаманда бир гўзал сиймони кўрдим,  
Юзи гул, қомати зебони кўрдим,  
Сўзида лаззати маънони кўрдим,  
Жўш урган ҳиммати дарёни кўрдим.

Тараннум айламиш бўстон ичида,  
Ҳаётнинг завқи бор ёзу қишида.  
Ватанининг ишқи бор ҳар бир ишида  
Очиилган гунчалаб раъонни кўрдим.

Етилмишдир қўлида нозу неъмат,  
Узум, анжир, анор, боғи саҳоват,  
Кими баҳти эрур ул ҳури жаннат  
Боғ айланган неча шайдони кўрдим.

Бўлибдир гул юзи гулгун лола ранг,  
Севиб меҳнат қилур шавқига қаранг,  
Чевар қизга лойиқ йигит йўқ деманг,  
Хумор кўзида баҳт — аълони кўрдим.

Бу боғбон қиз чаманинг гулзоридир,  
Қайси дилкаш мард йигитнинг ёриди.  
Хушнуд элнинг кўрки дил баҳоридир,  
Қошида булбули гўёни кўрдим.

## Б У Л

Одам эрсанг одамининг меҳрибони ёри бўл,  
Бу ҳаётнинг нақши гулдуру, сен очиқ рухсори бўл,  
Сақлагил тилни ҳама беҳуда сўз нуқсонидин  
Доимо мағзи ширин сўз нақлининг гуфтори бўл.  
«Бил ўзингни, ўзгани қўй!» қавлига қилмай амал,  
Акси бирла ўзганинг ҳар ҳолида дилдори бўл.  
Кибри-ла учма ҳавога бўлса ҳам фазлинг баланд,  
Камтаринлик бирла элнинг ҳар маҳал хумори бўл!  
Яхшилик номи билан шуҳрат қозонмоқ истасанг,  
Дил шикаст бечораларнинг малҳами даркори бўл.  
Ҳеч қачон кўнгли очилмас ҳар киши бўлса баҳил,  
Очилиб хайру саховат бояннинг гулзори бўл!

Хушнуд этгил дил сўзингни ҳуррият даврида бу  
Бахтиёр ўзбек элининг дилкашу ҳамкори бўл!

## У З Б Е К И С Т О Н

Ҳур ўлкасан Узбекистон, нури жаҳоним,  
Мангу яша элинг билан чаманистоним;  
Яйраб ўсдим қучогингда йўқдир армоним,  
Мехру ишқим сенга пайванд, эй гулистаним.

Қирқ баҳор гулшанингда гуллар узганмац,  
Ҳур меҳнат-ла ҳаёт учун режа тузганман,  
Боғларингнинг мевасидан шарбат сузганмац,  
Она-юртим қўйнингдаман, сен меҳрибоним.

Дил боғини яшнатувчи дил баҳорисан,  
Халқинг билан табиатнинг ифтихорисан,  
Ер юзида донғи кетган эл хуморисан,  
Кўнгул очар диёримсан, қон-қадрдоним.

Илму ҳунар жондан ажиб ҳикмат яратган,  
Файрат билан чўллар аро жаннат яратгац,  
Чаманзордан пакта териб шуҳрат яратган,  
Мардларинг кўп ном чиқарган, азиҳ бўстоним.

**Қадринг баланд пахта билан донгдор ўлкасан,  
Баҳт-саодат чўққисида шунқор ўлкасан,  
Хушнуд ўсган илгорларга дилдор ўлкасан,  
Тўй муборак зафар қучгани Ўзбекистоним!**



## БАҲОР КЕЛСА

Баҳор айёми келса, олам гулистоң ўлгай,  
Чаманда ранг-баранг гул ғунчаси хандон ўлгай.

Тонг чоғининг шўх ели гулшанаро сайр этса  
Сочилган атри бўйи муздан инсон ўлгай.

Шодлик-ла барча эркин ҳаёт куйини куйлар  
Қушлар бўлиб жўровоз булбуллар хушкон ўлғай.

Мақсад гули очилгай дилдаги барча орзу  
Меҳнат севувчи элга баҳтлар хирмон ўлғай.

Ишлаганлар шод бўлур, ишламаган пушаймон  
Қўйни тўла баҳордан мўл ҳосил эҳсон ўлғай.

Ушбу фаслда кезсам, Хушиуд бўлиб чаманни  
Сўлмай дилим баҳори садқаи даврон ўлғай.

## И Л М О Л

Илм ол, э йигит, қолмоқ уятдири,  
Жаҳолат ҳар кимга бехосиятдир.  
Киши рози әмас жаҳлига бешак,  
Магар рози бўлур беақлу тентак.  
Илм — нурдир, жаҳоннинг маталидир  
Илм бирла киши эл афзалидир.  
Шикоят қилмагил зеҳнингдан асло  
Қабиҳ ишлар билан бўлсанг мубтало,  
Дилинг бирла тилингни пок тутгил,  
Бу йўлингда ёмонликни унугтил.  
Очилмиш илм ила боғи ҳуррият,  
Садоқат бирла яшиар жумла ният,  
Ақлни тарбият этган илмдир,  
Мукаррам этгучи элга илмдир.

## К Е К С А Л А Р

Кексаларнинг суҳбати фазлу карамнинг боғидир,  
Ҳар мақоли ҳикмату нафъи юракнинг ёғидир.  
Ҳурмат этмак, бу дуогўй меҳрибонларни керак,  
Кўпни кўрган бу забардастлар ҳаёт қаймоғидир.  
Сочсалар дил баҳридан панду насиҳат дурларин,  
Баҳрасиз қолган киши ҳар муддао тўмтогидир.  
Бу азиз соҳиб тамизлар ишлаган боғларни кўр,  
Халқни мамнун айлаган боғлар алар қишлоғидир.  
Илму фан нури билан кўнгулни равшан айлаган,  
Ҳам ҳидоят машъалини ёқкан шулар чақмоғидир.  
Хизмат айланг, э ёронлар, хуш тавозелик билан  
Бахтиёр бу кексалар элнинг суюнган тоғидир.  
Хушнудо бил ёшлигингда кексаларнинг қадрини,—  
Гар керак бўлса ўзишга,— бахт қучоқ очмоғидир.

## УХШАР

Очиқ юэ гулшани жаннатга ўхшар.  
Жамоли дилрабо зийнатга ўхшар.  
Табассум бирла қилган ҳар мақоли  
Асалдан ҳам ширин неъматга ўхшар.  
Кўрунса ҳар гуруҳ, инсон ичинда  
Нигоҳи эл аро шафқатга ўхшар.  
Ёмондан бўл йироқ ҳаргиз кўмулма  
Нечунким, турмуши кулфатга ўхшар.  
Тикилса ҳар кўзи боққан балодек,  
Қаломи жон учун оғатга ўхшар.  
Киши Хушнуд бўлур ҳар яхшиликдаи  
Ёмонлик бедаво иллатга ўхшар.

## РАНЖИТУР

Не ажаб ҳолдурки бу инсонни инсон ранжитур,  
Ҳеч ажаб эрмас уким, ҳайвонни ҳайвон ранжитур.  
Ҳар киши ҳамроҳи ёри ақл ила имонидир,  
Ақлидан озгучи ҳар имонни шайтон ранжитур.  
Давлати тан мулки соглиқ қадрини билгучи бўл,  
Ногирон аҳлини бедард аҳли подон ранжитур.  
Очилиб баҳтинг гули қўнса қўлингга булбули,  
Ҳаддин ошма кеккайиб охир пушаймон ранжитур.  
Кирмасин нокас уйига қилмаса таклиф агар  
Таъналар тоши билан бўлсанг-да меҳмон, ранжитур,  
Дунёда кўркам ҳаёт одобни баҳридан келур,  
Бад қилиқлар жумласидан бўлма, даврон ранжитур.  
Хушнудо ҳар яхшиликни ёшлигингда ҳосил эт,  
Бебизоат кимсанни ҳар ерда нуқсон ранжитур.

## ЯШАЙЛИК

Жондан азиз қадрдан дилдорлар яшайлик,  
Гул ғунчадек очилган рухсорлар яшайлик.  
Қўнгилга чин муҳаббат завқи билан етилган  
Ўлкамга жон садоқат изҳорлар яшайлик.  
Эркин меҳнат йўлида чўлларни бўстон айлаб  
Қувноқ ҳаётнинг аҳли ҳамкорлар яшайлик.  
Бахт камари белинда қудратли мард йигитлар  
Қизу жувон ҳар ишда ҳамкорлар яшайлик.  
Орзуси дилда доим юртимни обод этмак,  
Эркин меҳнат-ла тун-кун бедорлар, яшайлик.  
Э, ҳиммати баландлар ҳар ишни дўндирувчи  
Аҳдида ҳамжиҳатлик девкорлар, яшайлик.  
Ҳар ёғимиз чаманзор анвои кони неъмат,  
Боғи Эрам хижолат, э ёрлар, яшайлик.  
Ҳушнуд этар ҳамиша шуҳратли элга раҳмат  
Ном чиқариб жаҳонда ҳушёrlар яшайлик.

## У З Г А Ч А

Келди баҳор, кезди сабо ўзгача,  
Эсган ели дилга шифо ўзгача.  
Қүёшімдан ёғди зиё ўзгача,  
Тоза тиниқ очиқ ҳаво ўзгача.

Сабза билан ёзды баҳор сепини,  
Меҳнат эли сурди чаман кайфини,  
Яшнатди бу әркін ҳаёт васфини,  
Кийди либос чұлу саҳро ўзгача.

Завққа тұлиб ишлар дала қызылари,  
Шавқ ичидә гул юзи қирмизлари,  
Ҳаёт учун қуттуғ босған излари,  
Мардлар қылур мардлик зебо ўзгача.

Хушнуд қылар тоңғда туриб хуш ниде,  
Меҳнатидир истироҳат бебаҳо,  
Ханда қылур дилдаги ҳар муддао,  
Бахт йўлида аҳду вафо ўзгача.

# ҲУЗУРИЙ



Ҳуэурин (Юсуфжон Акбаров) 1912 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. У 1924—30 йилларда Қўқон шаҳрида Ҳамза Ҳакимзода ташкил этган болалар уйида тарбияланди. Адабиётга бўлган ҳавас ҳам шоирда шу пайтларда пайдо бўлди.

Ҳуэурин ўз шеърларида давримизнинг долзарб масалаларини ифодалашига интилади. Пахта майдонларида жавлон үраётган кишиларимизни улуглайди, мадҳ этади.

## О К Ш О М

Бұлиб юлдузларингдан ұлкамизда пурзиё оқшом.  
Фусунгар ойдин ичра этди бизни маҳлиә оқшом

Хусусан бу азим Тошкентни кафтида бериб оро.  
Жаҳонга күзгудек алвон этар оҳаирабо оқшом.

Құйиб кошона тоқига ўроқу болгадан юлдуз,  
Чилангар бирла дәхқониниң қутлар мулдао оқшом.

Билим, бирла ҳунарда ҳар киши кашф этса зеболик,  
Бутун халқига күргузгай үшал он то сабо оқшом.

Құшиб сайёralарни бу шаҳар юлдуzlари бирла.  
Тамоми хонадонга еткисур мәхри гиё оқшом.

Бу оқшом васфида илхом ила куйлай Ҳузуримни,  
Ғазалхонлик муаммосига ҳам топди даво оқшом.

## Г А П И Р С И Н

Дил муждасини ҳар киши мардона гапирсин,  
Монанди гуҳар донаю, дурдона гапирсин.

Тил шаҳди ила сўзни ширин этса ҳамиша,  
Онгим ила, жон деб әшитай, жонона гапирсин.

Жўш урса вафо чашмасида меҳр мусаффо,  
Гул-гул очилиб, ҳур бўлиб ҳамхона гапирсин.

Кенгашда ақл, илму ҳунар равнақин ўйлаб,  
Халқига нафи текгучи бир ақлона гапирсин.

Ҳар кимса шифо бобида сўз очса, ҳарифи;  
Қўнглига бўлиб, икки оғиз дардона гапирсин.

Сўз гулшанидан жонга Ҳузур баҳш этмиш-чун  
Шеъримнинг ўзи ёра адабона гапирсин.

## А И Т А Д И

**М**ендаги туйғуни ҳар тонг өгөн булбул айтади,  
**М**ақсадимга етганимни боғдаги гул айтади.

**О**рзуйимнинг на ҳад юксакка интилмоғини,  
**Т**олеим қутловчи ҳар сайёра буткул айтади.

**Е**шлигимда теккан ушбу шўх юрак ўйноғини  
«**Б**у муҳаббат дардидир» деб, кун аро дил айтади.

**Е**рнинг кокилларин шайдоси бўлғаним кўриб,  
«**Н**ега соч бўлолмадим?» деб тоғда сунбул айтади.

**Г**улзоримдан таралган мушк ҳидини сезиб,  
**Р**ашк ила селпинганини қирда жанбил айтади.

**Д**ейдиларки: эй Ҳуэурий, шеър мазмуни надир?  
**Б**у газалинг сирини ҳар мулку манзил айтади.

## С Е К ^ И Н Г И Н А

Қарасанг-чи, созима бир йўли, жоно, секингина,  
Юзгинангга кўзларим боқса-чи, раъно, секингина.

Қоматингни кўрибоқ, барча наботат асир,  
Нол этибсан кўриниб, шунчаки, барно, секингина.

Қора сочинг торига боғла бу дил риштасини,  
Севгимиznинг чархидан тушмасин асло, секингина.

Ҳар нарсада насими мушкинг эсар димофима,  
Кўрқаманки, маст этиб қўймасин, аммо секингина.

Ҳур висолинг шуъласи этса-чи равшан маконими,  
Бир нигоҳинг нуридан, кўзлари шаҳло, секингина.

Бу муаммони ечар меҳрими эсга олишинг,  
Мақсадимиз уйи ҳам бўлгуси барпо, секингина.

Шошилиб, гўр ҳавасда, Ҳузурий, қўйма қадам,  
Ёр садоқатни билиб, бўлгуси ҳамроҳ секингина.

## Ү Р Г А Т М А Г И Л

Эй гўзал, ноз-ишвани ҳеч ёрга ўргатмагил,  
Ўзгиннангдин ўзга бир маккорга ўргатмагил.

Сўзласанг лаълинг кўриб, тунча лабини нақш этар,  
Бундан ортиқ шевани гулёрга ўргатмагил.

Кўзларингта соқчидур, кўксимга тиф ургучилар,  
Ханжарнингни расмини хунҳорга ўргатмагил.

Икки қошингдир камон, кинприқдан ўқ отганмисан,  
Отиб ўлдирмакни ҳеч жаррорга ўргатмагил.

Олмага шабнам тушиб, ўйнайди гўё қувлашиб,  
Бунча шўхликларни ҳам айёрга ўргатмагил.

Қоматинг ҳар гал Ҳузурий қўрса куйлар, васфида,  
Эҳтиёт эт, меҳрими ағёрга ўргатмагил.

## ҚАЛАМ

Меҳнат-ла бино бўлди, ўзи айтмайди қалам,  
Меҳнат ҳақида ёзмоқдан ўзи қайтмайди қалам.

«Мен битмак учун келдим ўзим, дунёга»— дейди,  
Битмақдир ишим — деб, сира ётмайди қалам.

Мен ҳам оламан ўнг қўлима уни авайлаб,  
Афсона ёзай дейману ҳеч битмайди қалам.

Таҳсин, нима сир борлигини билмадим олдин,  
(Кил қисқаму, ё хат йўлига етмайди қалам.)

Дейман: қаро кўз, қийнама мени ҳам ўзингни,  
Дейдик: сира эгри юриб кетмайди қалам.

Дейман: мен учун бир-икки муқом айла, қаро қош,  
Дейди: ҳунарин паст нарҳда сотмайди қалам.

Дедимки: элим ҳақида шеър ёз десам-чи?  
Дедики: Ҳузур ишидан инкор этмайди қалам.

## С И Е Х Д О Н И М

Дилимни меҳрига банд этди дилоро сиёҳдоним,  
Мекинг ишқимни элга этди ошкоро сиёҳдоним.

Ҳамиша чап қўлим кифтида, ўнг қўл тори зулфида,  
Қўзимга кўзгу монанд бу кўзи шаҳло сиёҳдоним.

Сочин ҳар толасини ҳарир узра ёйиб кўрсам,  
Бу сумбул ҳидин оламга берур зебо сиёҳдоним.

Менинг меҳрим ошиб юзига тўйгунча боқай десам,  
Чароғдек кўзларим элтар юзи раъно сиёҳдоним.

Дедим: дилбар менга бир қатра шаҳдингдан  
томизсанг-чи,  
Деди: бир қатраси Жайхун каби дарё — сиёҳдоним.

Дедим: бир кипригим учиде олсам-чи гулобингдаш  
Деди: жилд-жилд китобат бўлғуси барпо —  
сиёҳдоним.

Ўзи доно, дили дарё ҳузуримга шерик доим,  
Ҳаёт қўйнида ҳамсуҳбату ошно сиёҳдоним.

## Ю Р А Г И М

Кулганимда шавқи ортиб берди садо юрагим,  
Бахти берди ватаним деб қилди нидо юрагим.

Бир ҳарорат бирла габъим, жўш уриб тошди кўринг  
Қондан учқунлар учиргач, ёқди зиё юрагим.

Сувга отдилар ҳамиша ўтни қувлаб «ўйнашув»,  
Қонга томчи-томчи терни қилдн фидо юрагим.

Қайнаган қон лоларанг нақш отди юзида тарам,  
Жисмим узра оташин руҳ этди жило юрагим.

Гулшаним гирдида қушлар айланур парвонавор,  
Гул тутиб булбулга солди меҳригиё юрагим.

Ҳур ҳаётимни кўриб қалбим аро жон ўйнади,  
Базм аро оромижон деб қилди наво юрагим.

Ишқ дардинга чидаб, базмин тамошо айладим,  
Эй, Ҳузурний, соғ бўл!— деб берди садо юрагим.

## **ЖОН ҲАМ, ЖОНОНА ҲАМ**

Дилрабо, сенга тасаддуқ жон ҳам, жонона ҳам,  
Хизматинг қилмоққа арзир хона ҳам, ҳамхона ҳам.

Мендан ўзга ҳеч киши ишқингга тоқат айламас,  
Кулганингда шўъла сочғап нур ҳам, нурхона ҳам.

Қашф этган гулларшигни ҳиди оламга татир,  
Қосасида мавж ургай дур ҳам, дурдона ҳам.

Сенда бу хислатин кўрган меҳнатинг қадрин билур,  
Таҳсин айтган ҳимматингга ақл ҳам, ақлсна ҳам.

Гар Ҳузурий таъриф этса оразингни бирма-бир,  
Файзидан ҳушёр ўлурлар маст ҳам, мастона ҳам.

## СЕН БОР УЧУН

Эй, Ватан, кўкка етишди бу бошим сен бор учун,  
Ҳамма бошлар ҳам қучоғинг ичра беозор учун.

Кўзларим оқсин агар гулгун жамолинг кўрмаса,  
Барча кўз ҳамки, юзинг оламда пурандор учун.

Бу қулоқ кар бўлса яхши, таълимингни уқмаса  
Ҳар қулоқ ҳам, сўзларинг баҳтимга хушгуфтор **учун**.

Юзларим қўйисин, насиминг баҳрасини сезмаса,  
Бор инсонлар юзиқим, ҳар қадам гулзор учун.

Лол бўлсин тилгинам номилгни қувнаб айтмаса,  
Ҳам тамом тилларки, исминг лафзи ифтихор учун.

Қўлларим шол бўлса беҳроқ шуҳратингни битмаса,  
Барча қўллар шон-шарафли хизматингда **бор** учун.

Йўқ эрур ҳеч бир асов узвим таним дунёсида,  
Минг ҳузур топди дилим ҳар ёзганим ашъор учун.

## ЛОЛА

Эл байрамига етмак учун улгурди лола,  
Кириу дала пайида қаҳ-қаҳа урди лола,

Шабада шұх-шұх эсар, лола руҳини билгай,  
Май тонг насими келгач, юзин үптирди лола,

Упганды ҳам ҳар икки лабин үнді барада,  
Кулиб, барча чечакни бирдан күлдирди лола.

Май байрамида лола гилам солиб поёндоз,  
Гулгүн қадаҳда қирмиз майин тұлдирди лола.

Насим үпган лабидан мен ҳам үпай деб эрдим,  
Ноз-ишва бирлан лаълин мендан үгирди лола.

Бахт байрамида үйнаб-кулиш қоидасини,  
Хуэурийга үргатди, роса дұндириди лола.

## О Л М А

Ҳай-ҳай на етилмиш чеҳрангдан ол, олма,  
Дилимга завқ тўлмиш, тасвирласам уёлма.

Тонг шуъласидан олдинг, оё юзингни шаффоф,  
Ой нақши тушмиш анга, десам ҳайратда қолма.

Йилт-йилт этар кўзимга яногинг узра томчи,  
Олганми бўса шабнам, десам сукутга солма.

Е севгиликни ўйлаб, йиглабму ёш оқди?  
Мендан сўргил бу сирни, ўзингча ўйга толма.

Сабр эт қолур чарақлаб, машъал каби нигорим,  
Қўксига бош қўярсан, Ҳузур қилурсан, олма.

## ҚИМИЗДАН ҚУЙ

Кел эй чүпон, бугун яйловда бир сийлаб қимиздан қуй,  
Мени мөхмон этиб, бир косага лаб-лаб қимиздан қуй.

Зааранг коса лабидан журъя тортиб менга ҳам ичкиз,  
Үша зарҳал чизиқни бұса этсін лаб, қимиздан қуй.

Лабингга ташнадир соғарки, тезроқ бұса этсам деб,  
Сен ҳам гулгүй лабидан бұсалар айлаб, қимиздан қуй.

Чироишиң әншати-чун бүтакүз — гулдан этиб чамбар,  
Шу қундуз қошларингга соябон бойлаб қимиздан қуй.

Само сатқыда юлдуз чақнагандай күзима яйлов,  
Фазокор ўрнида кашф этганинг сұзлаб қимиздан қуй.

Бу даврон лаззатидан баҳра олгайман, күйшиң тинглаб,  
Шарафли мөхнатинг илхомидан куйлаб қимиздан қуй.

Бу яйлов завқи, касбинг шавқи, баҳтинг лаззати беҳад,  
Хүзурингші давом эттирмакинг күзлаб қимиздан қуй.

## A H O R

Мевалар ичинда ҳусни қизларга ўхшайди анор.  
Лўппи-лўппи юзлари қирмиэга ўхшайди анор.

Тўп-тўп дугоналардек лолалар мажлисида,  
Боғ васфин куйлагани ҳофизга ўхшайди анор.

Боғбон қизлар келиб терди етилгач, мевани,  
Дедим:— эй қизлар. жамоли сизга ўхшайди анор.

Ҳаммангиэ монанд экансиз ҳусн бобида,— дедим,  
Сиз-ку машъалсиз, ёруғ юлдузга ўхшайди анор.

Қиз менга ҳурмат ила бир жуфт анор тақдим этиб,  
Деди:— Худди дур тўла денгизга ўхшайди анор.

Бу муҳаббат боғида ижод этилган эл учун,  
Хўп ҳузур, лаззатда ҳам тенгсизга ўхшайди анор.

## МЕНДАПУ СЕНДАН

Ерим, сендан гўзаллигу, мендан севинмоқ,  
Сендан севинчимга севги қўшиб севилмоқ.  
Мендан меҳр булогио, сендан симирмоқ,  
Менинг меҳрим иши кўнглиниг ичра бекнимоқ.

Ҳамал бўлиб қалбим қишини баҳор этибсан.  
Машъал бўлиб кўнглимни бегубор этибсан.  
Асал каби ширин сўзинг пэҳор этибсан,  
Мендан мафтунлигу, сендан кулиб кўринмоқ.

Ширин орзуларим сенинг каебу камолинг,  
Умрим баҳоридек яшнаб турсин жамолинг,  
Қўзим нурини шурзиё этсин висолинг,  
Мендан тилак изҳор этиш, сендан безанмоқ.

Қўёш нурин қўлгинамда қўйиб бошингдан,  
Ой расмни олиб сенинг қалам қошингдан,  
Ҳар навқирон учун улуш бериб ёшингдан,  
Мендан хузур ила куйлаш, сендан эшитмоқ.

## НОДИРА ФАЗАЛИГА

(Мухаммас)

Ҳар тинглагандা ширин мақолинг,  
Жилва берур қади нав ниҳолинг,  
Гўзаллар ичра йўқдири мисолинг,  
Эй сарвиравон, надур хаёлинг.  
Жон ўртади ваъдан висолинг.

Меҳринг жаҳонида сайдир этарман,  
Орзу чаманида сайдир этарман,  
Мастона ўрнимни дайдир этарман,  
Пайваста дуон хайдир этарман,  
Мақсудим эрур сенинг камолинг.

Эй сарви озод, хўи рақс этарсан,  
Кўкда ҳилолингни пақш этарсан.  
Офтоб юзида ҳам акс этарсан,  
Ул ой юзингга ҳам баҳс этарсан,  
Етмиш магар, эй қуёш заволинг.

Менга гўзаллар йўлуқса аксар,  
Дерлар: Нигоринг севмайди, қайсар,

Жоним висолинг йўлида сар-сар,  
Зуҳд аҳлига салсабилу кавсар,  
Басдур менга рашхам зилолинг.

Улкан Ватаним одамизоди,  
Мунтазир эрдилар умрболи,  
Келур экан деб айларди шоди,  
Чиқмасдин ҳануз хату саводи,  
Мусҳафта муборак эрдиг фолинг.

Хусни жамолинг ҳаддидага тўлди,  
Машъал руҳингга нарвона бўлди,  
Барча рақиблар шамъингда сўлди,  
Ушшоқларинг гамингда ўади,  
Иўқдур сенинг зарран малолинг.

Тонг нури монанд, чароғ ичинда,  
Меҳринг жиловор япроқ ичинда,  
Тасвири этилмиш авроқ ичинда,  
Эй хаста кўнгил, фироқ ичинда,  
Дам ургали қолмади мажолинг.

Еринг йўлида интиқ туурсан.  
Билдимки, чиндан ошиқ эрўрсан,  
Хаста Ҳузурий, не зиқ юурсан,  
Эй Нодира, лофи ишқ урурсан,  
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.


## ҲАШАМ ҚИЛМА

Севар ёрим, келурда мен томонга кўп ҳашам қилма.  
Гўзалдирсан ўзинг, боз устига-хўб муҳташам қилма,  
Зориқдан кўнглимни мундин ортиқроқ ғаш ҳам қилма,  
Латофат бирла ахлоқингга зийнатни зам ҳам қилма,  
Етар ҳаддига нозу ишва ортдирма, кам ҳам қилма.

Умидим — иккимиз ҳам ҳур ҳаёт ичра жадал юрсак,  
Шарафли иш учун ёшлар қаторида дадил турсак,  
Буюк бахту саодат лаззатини ҳам баҳам кўрсак,  
Латофат бирла ахлоқингга зийнатни зам ҳам қилма,  
Етар ҳаддига нозу ишва орттирма, кам ҳам қилма.

Борурман деб ёзарсан ваъда бирла мактубинг ҳар гал,  
Келур бўлсанг учиб кел, булбулим, бўстоним дангал,  
Ҳузур давронида меҳнат-ла биз ҳам бўлғумиз машъал,  
Латофат бирла ахлоқингга зийнатни зам ҳам қилма,  
Етар ҳаддига нозу ишва, ортирма кам ҳам қилма.

# САЙФИЙ



Сайфий (Абдуллахоб Отажонов 1898—1955 йиларда яшаган). Анижон яқинидаги Бўтақора қишлоғида ўртаҳол дөхқон оиласида туғилди. Шоирнинг ижоди 20-йиллардан бошланган. У 1922—23 йилларда Қўқон адабий мұхитига келиб қўшилади. Маҳжурӣ, Ҳабибий каби шоирлар билан танишаади, ҳамсүҳбат бўлади. Шундан бўлса керак, Сайфий ижодида Қўқон адабий мұхитининг, айниқса, Фурқатнинг таъсири сезилиб турди.

Ғазал, мухаммас ва рубонилардан ташқари, Сайфий «Фурқат» номли достон ҳам ёзган. Шоирнинг газаллари ва ушбу достони кирган «Кўнгил тароналари» номли тўплами 1956 йилда нашр этилган.

## САОДАТ ЙОЛДУЗИ

Саодат юлдузидурким юзи, ҳусн авжин маҳтоби  
Не маҳтоби, сабоҳат базмининг меҳри жаҳонтоби.

Узори зулфи мушкиндан намудор ўлди, гўёким  
Гули насринга солмиш сояни сунбулни қуллоби.

Дегил юз узра қошин офтобу ой уза маддир  
Ва ё ойнага чекмиш эрур тасвири меҳроби.

Оқизди фурқати тӯғонида жисмимни андоқим,  
Кӯзим ёши бўлиб баҳри бало мавжининг гирдоби.

Лаби ёқутидан бўлгач хижил ёқутда қондир қат  
Зумуррад кон аро беркиниди, кўргач хатти сероби.

Лабини гунчаю жоду кўзини наргис демам, чунким  
Қани нутқу такаллум унда, онинг ноз ила хоби.

Юзида дона-дона хол ила зулфи каманд, оё,  
Кўнгулниң қушларин сайд эткали биртурфа асбоби.

Нигоринг айласа ташриф агар кўз уйига, Сайфий,  
Берурлар сенга унвон аҳли диллар ваёл арбоби.

## **БҮЛАКЧА**

Улкам гўзалу ер ила осмони бўлакча.  
Озод элининг давр ила даврони бўлакча.

Саф-саф бўлишиб қўлда китоб, дафтари, ёшлар  
Онгли қиз, ўғил илм ила урфони бўлакча.

Фасли тугамас боғими, асло гули сўтмас  
Қелмайди хазон фасли, гуллистони бўлакча.

Тенгдир маданиятда ҳамма шаҳр ила қишлоқ  
Савлатли бино, ҳовли-ю шипони бўлакча.

Иўқ энди омоч, келди трактор — ўт омоҷлар  
Қудратда совет колхозу деҳқони бўлакча.

Қашшоқ чоракор бўлди бадавлат бели бардам  
Эккан экини, куздаги хирмони бўлакча.

Оқ олтин ила топди шараф, пахтага моҳир.  
Кўзларни қамаштиргучи майдони бўлакча.

Бойдан пул олиб кузгача, пулсиз эди дәхқон  
Колхозчи сотиб пахтани ҳамёни бўлакча.

Қелмайди қовун бошига отлиқ хўжайинлар,  
Эндиги қовуп сайли-ю, меҳмони бўлакча.

Нон — орзув эмас эди, билим, фан, тўю кулги,  
Тўқликда киши кўнглида армони бўлакча.

Сайфий, сенинг даврииңда қаронғи кеча йўқдир.  
Кўнглинг ёритар давр чароғони бўлакча.

## Г У Л А Н Д О М

Мендан нетай оқ юзли Гуландомим узоқмиш,  
Севги ўтини ташна ўлан жонима ёқмиш.

Токай соғинур аксинни кўз ўнгига сақлаб  
Тун-кун соғиниб йўлига наргис каби боқмиш.

Зулфига бориб қолди сариф юз била кўнглим,  
Дерсан, қулоги устига раъно гули тоқмиш.

Ширии лабидан сўрди лабим ногаҳ уёнди  
Оғзиш шакар ўлмашдур асал комима оқмиш.

Хом нуқрадек оппоқ билаги кўксидаги гуё,  
Бир нурдан алифдурки, анор узра буроқмиш.

Хидлар таратиб зулф тараб кирса чаманга  
Райхон қорайиб, сунбули бечора тутоқмиш.

Билмасму юрак, талпанийбон термулишимни  
Сайфидан ўл оқ юзли Гуландомим узоқмиш.

## КАМЛАНИМАСИН

Ишқ элидан ёр лутфи бир замон камланмасин,  
Кунжи ҳижрон ичра жисми зори пургамланмасин.

Борсанг эй кўнгул унинг кўйига, кўп ёш тўкмаким,  
Ернинг девори ёшинг селидан намланмасин.

Зебланмишdir жамоли гулшанинг, эй багбон  
Энди раънолар таассуф бирла шабнамланмасин.

Беқма, эй ноз оғарин, саҳрода маҳмурона, бас,  
Кўзларинг рашкидан оҳу чин сари рамланмасин.

Очма эй боди сабо, дилдор зулфи ҳалқасин  
Мушики тотор, уд бозор ичра мулзамланмасин.

Бу ғамим сез, соқиёб, базм оқшоми сунгил қадаҳ  
Жоми ишқинг замҳарири субҳдан самланмасин.

Гар таманно айлагайсан, Сағифиё, айёми васл,  
Нолай жонсўз ҳар тун то саҳар фамланмасин.

**Қўзларим ҳайронлиги аввалгидан ортиндиму,  
Ҳуснига боқсан кўролмас, партавидан тиндиму.**

**Жилвасидан титради жон бирла кўнглим, билмадим  
Рақс этарда, ноз ила силтниндиму селпиндиму,**

**Зулфу холин соғиниб кўнглим қошига интилур  
Бир заиф қушким тузоққа дон учун талпиндиму,**

**Боғбон сарви учун йиглайди мавзун ун чекиб  
Сарв нозим рашкидан, қайрнлдиму ё синдиму.**

**Лаъли нобидан бўлиб шарманда боғ ичра кириб  
Фунчалар қайриб этогин бошига беркиндиму.**

**Қирмизи юзларга тушмишму ўрилғон соchlарн  
Афъиларму чирмошиб гул хирманига индиму.**

**Нозанин ёринг Ӣўқудав турди ўхшар, Сайфиё,  
Тўлди олам атр вла терлаб магар елпиндиму.**

## А И Л А И Г

**Эй, шұху қаро күзлар, ошиққа вафо айланг  
Киімдің қоши құпдудылар, лутф ила имо айланг.**

**Ву ҳусну латофатлар нозик қадду қоматлар  
Хеч етмасун оғатлар, сиз раҳми гадо айланг.**

**Севги ишидур қийноқ, ёр васли қылур муштоқ  
Әй дилбари юзи оқ, дардимга даво айланг.**

**Сиз ғозан әхсондин, юзларни қилинг тазайин  
Аҳд ила вафо рангин, құлларга хине айланг.**

**Ноз бирла қишлиб рафттор, гулшанда очинг рухсор,  
Сарви чаман ұлсун хор, гулларни адo айланг.**

**Әй ташна күнгүл ҳам жон, энди бүлингиз хандов,  
Жонон бүладур меҳмон, бир кайфу сафо айланг,**

**Сайфини қилинг хуррам қайғуга бериб барҳам  
Севги майдан сиз ҳам согарни тұло айланг,**

\* \* \*

Шамъи жамолинг, эй парц, партави жона ўт солур,  
Жонима, ёлғиз ул дема, жону жаҳона ўт солур.

Мавжи табассуминг эрур, манбани гавҳари хушоб  
Лаъли лабинг такаллуми, дурж ила қона ўт солур.

Сарв қаддипг назокати пашри қиёмат айлаюр  
Жилва чоғи хиромидан кабки жинона ўт солур.

Айлаюр эрсам арзи-ғам ҳажрн шабинда дуди дил  
Сабо елин самум этар боди ҳазона ўт солур.

Юзни арақ фишон кўриб, гул уза шабиами каби  
Рашк аё кумуш бадан лоларухона ўт солур.

Ламъаи оразинг солур лолаларнинг ичина доғ  
Холи сиёҳи нофай мушкифиона ўт солур.

Даҳр аноси түғмамиш сен каби ҳурваш гӯзал  
Оташи шавқи гул юзинг пири жавона ўт солур.

Ноз била юз қизортириб майкада сори солса йўл  
Сайфий қули куяр ҳамон, пири мувона ўт солур.

## ҚИЛМА СИТАМ

Ноз билан эй сангдил мен хистага қилма ситам,  
Ингламоқдин қолмади бу қашми хунборимда наам.

Зарра ром әрмас күзинг жаллади мен бечорагъ,  
Жон бағишилар ҳам лабинг ёди аё зебо санам.

Юсуфи мисри десам тони йўқ сени эй маҳвашим,  
Чунки сендеқ хўбрўйи ушбу Туркистонда кам.

Рамз ила нарғиз кўзинг ағёр кўнглин овлади  
Шул сабаб дил таҳ-батаҳ қону бу жонимда алам.

Жавр расмин тарк қилким хўблар сultonисац,  
Подшолар расм қилгай бенаволарга карам.

Айлади таннозлик гулшанда шамшод ила сарв,  
Қадди мавзуннингни кўргач бош эгибон чекди ғам.

Назм шўхига кийгизди тож бу Абдулваҳоб  
Ким дури исмингла қилди шўх абётин ҳашам.

## ДИЛБАРИ – БАРНОЧАСЕН

Әй пари пайкар ажойиб дилбари барночасен,  
Гулбадан, ширин сухансан, күзлари шаҳлочасен.  
Нозанинсен, нозлик таннози бепарвочасен,  
Бу чаманзори назокатда гули раъночасен,  
Олами ҳусн ичра Ширин, Лайлисен, Зуҳрочасен.

Хол эмас, боқсам кўзим нури юзингга ўрнамиш,  
Сурма эрмас, дуди оҳимдан кўзингга ўрнамиш.  
Дунёда барча ширинликлар сўзингга ўрнамиш,  
Мунча ҳусн уэра исиғлик юлтузингга ўрнамиш,  
Шул сабабдин қизлар ичра яккасен, танҳочасен.

Оқ юзинг кўрмоққа ёрим, борди бепарво кўнгул  
Бош оғифла илинди зулфингга шайдо кўнгул.  
Қийналур жон бундаким, сенда қолиб танҳо кўнгул  
Лутф қилган тоза ишқим ҳурмати, жоно, кўнгул  
Суғаним, бўлуңг қачон Сайфийга базм ороча сен.

## ЗЕБО НИҲОЛИМДИР МЕНИНГ

Хусн гулзорида бир зебо ниҳолимдир менинг,  
Юзлари гулбарги тар, ширин мақолимдир менинг.

Ноғай Чинни Хўтан даштида сарсон айлаган  
Хатти аибарфом ила кўзи гизолимдир менинг.

Инглай-инглай, куйининг тошини қилдим лолагун,  
Лаблари ҳажрида оққан ашки олимдир менинг.

Хуш келур, эй нозаниним гар қилурсан жаврлар,  
Поймол эткум, нисоринг қадди долимдир менинг.

Айлама меҳроб васфин зоҳидо, ишқ аҳлига  
Тоқу меҳробу дуо — қоши ҳилолимдир менинг.

Симбар нозик əдою шўх чашму ғунча лаб  
Мўқ мисоли кенг жаҳонда, бемисолимдир менинг.

Нола бирла Сайфийнинг найдек қуруқ жисмий кўриб  
Демас ул моҳ — ташниай лаъли зулолимдир менинг,

## **ШОЯДКИ РАҲМ ҚИЛГАЙ**

Рассом чекиб мунаққош тасвирки, қора қошим,  
Бошимга солди савдо. кўздан оқизди ёшим.

Лутф ила қылса ул гул, дийдамни хоки роҳи  
Айлай тасаддуқ онинг қаднига ғамли бошим.

Ул ҳур насабнинг ёди андог фифона солди  
Тун қиёди элни бедор фарёди дилхирошим.

Тиндириди кўзларимни, боқмоқ анга маҳолким,  
Олса булатни юздан ул севгили қуёшим.

Назмингни қил ҳавола ёрингга, ҳаста Сайфий  
Шоядки раҳм қилгай ҳолимга бағри тошим.

## ҚОМАТ

Маҳим, сендеқ жаҳона келдиму хушхў латофатлиғ.  
Кўзинг жодуси ушшоқ аҳлина бир турфа офатлиғ.

Ҳудуди ҳусна ҳокимсен мусаххар ҳўблар хайли  
Қадам қўй маснади ноза бўлиб шоҳи адолатлиғ.

Қарам қил бир замони айлагил кўз ичра мардумлиқ,  
Юзингни нуридан дийдамга нозилдур басоратлиғ.

Ризоман қошларинг шамшири ўлтурса мени, жоно,  
Нечундурким етар жонимга лаълингдан саломатлиғ.

Юзингнинг ойини кўрди, фалакнинг боши айланди,  
Кўзидан анжуми ашкин тўкиб бўлди надоматлиғ.

Муҳаббат силкига банд айлабон васфинг дурин Сайфий,  
Деди «кулбамга кел бир-бир босиб эй, сарв қоматлиғ».

# АНИСИЙ



*Анисий (Абдулаҳиқ Азизов 1900 –1970 йи.и.иарда яшаган) Андижон облиастидаги Ҳайробод қишилогида, дәхқон оиласида дүнёга келди. 1927 йилда мадрасани тамомлаб чиқди. Ғазалхон ижодининг бошлигини шам шу йилларга түғри келади.*

*Навоий юбилей комитетининг чақириувига биносан, Анисий 1938 йилда Тошкентта келиди. У бу ерда Навоий асарларининг рўйхати ва таҳтили билан шугулланди. 1959 йилдан то умрининг охиригача А. С. Пушкинномидаги Тил ва адабиёт институтидаги иши гади.*

*Анисий классик адабиётимизнинг билимдони эди. У Фузулий, Мұхәммәд Мунис девонларини нашрга тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Нодирабегимнинг форсча девонини ўзбекчаса насрый таржима қилиди.*

*Анисийнинг кўлгина Ғазалари эҳлон қилинган.*

## МАҲЛИҚО ЭРМИШ

Кел эй кўнгил гўзалим шўху маҳлиқо эрмиш,  
Кулиб бокувчи ширин сўзли дилрабо эрмиш.

Қоши қилич, кўзи қотил, мижжалари ханжар,  
Бари бу жонга тикилган қаро бало эрмиш.

Ўнинг бошидии оёқ ҳамма узвига боқсам  
Кўнгил қушинга барни дому ибтило эрмиш.

Фироку ҳажр хаёлинин қилма ким эмди,  
Вафою меҳри ани кўнглига даво эрмиш.

Шиор айла садоқатни, беҳавас бўлма,  
Бу йўлда нафсу ҳаво ишлари хато эрмиш.

Хумойи бахт менга рому толеним масуд,  
Нечунки севгилигим усрุ бевафо эрмиш.

Агар берай дечанг эй кўркка бой закоту ҳусн,  
Анисий даргоҳинга камтарин гадо эрмиш.

## ЛОЛАЛАР

Лола рухсориндин ўлди доғ кўкси лолалар,  
Мен каби шайдоси йўқдир гарчи кўпдир волалар.

Шунча қилсам эҳтиёт охир асир этди мени,  
Зулф доми ой юзи даврида тузгач холалар.

Яхши ким бошига турмаклаб сочини ёзмагай,  
Минг кўнгилни банд этар йўқ эрса ҳар бир толалар.

Лолахоним лаъли ёқутни била дур тишларин,  
Еди бирла қон ютиб кўздин тўкарман жолалар.

Лола баргидур тўкилган дема ғурбат доштида,  
Дарди ҳижрони эзиз оққан жигар парколалар.

Телбалардек зулфининг занжири бирла боғланиб  
Юрганимда кўча-кўйда тош отарлар болалар.

Лола рухсорим қулогига етургил эй сабо,  
Тун саҳарларда Анисий чеккан оҳу нолалар.

## ТУШИБДУР

Ишқ ўти балогоҳ бу гарнб боша тусибдур,  
Бечора кўнгил чораси бардоша тусибдур.

Бир ерга икки қошу кўзи тўпланишибдур,  
Гўёки менинг қатлима кенгоша тусибдур.

Кўркамлигининг ганжки уза қора йилондур  
Ҳар қайси қаро зулфини чирмоша тусибдур.

Бошидин оёғигача ҳар узвига боқсам  
Ҳусн ичра бари бир-бирининг оша тусибдур.

Ишқ ичра саботимни кўриб билди рақибим  
Ошиқлар эли бирла чу паркоша тусибдур.

Ағәр ширин суҳбат аро кирмоги ногаҳ  
Үхшар анга ким пашиша ширин оша тусибдур,

Душман боши бир зарба била янчилиб андоқ  
Тош парча тегирмонда, ики тоша тушибдур.

Бўлғул ватанинг ишқида бу әлни Анисий,  
Ким мөхри Ватан барча ватандоша тушибдур.

## Х У Ш Х О Л

Бу гулшаш ичра ким келса, юрар доим бўлиб хушҳол,  
Учиб булбул каби гул шоҳидан гул узра фориг бол.

Ҳама озодаю, покизаю, қуввақу, хушчақчақ  
Мусаффо, тоза юзлар фарқ этилмас бунда ёшу чол.

Қийимлар хилма-хил алвон, ипак, шоҳию атласдур,  
Кўча-кўйларда боқсанг ҳеч киши эгнида йўқдир шол.

Ҳама ширин суҳан хушлаҗжай, хушҳону, хушовоъ,  
Фасоҳат бирла сўзлар сўзласа тўтини айлар лол.

Хиромон кўчаларда сарвиқад гулчехра жоноплар,  
Кўзу қошлилар қарою оқ бадан, нозик яноқлар ол.

Муҳаббат бирла йўлдошлиқ, садоқат бирла  
қардошлиқ,  
Сурар бу ўлкада даврон ҳама хурсанду парвуғпол.

Анисий бўлди даврон малҳида ширинзабон андоғ,  
Тонг эрмасдур тўқилса соҳфа уэра ҳомасидан бол.

## **ПАХТА**

Ҳуснила оламда энг гулчеҳра раъно пахтадур,  
Оқ юзига айлаган халқимни шайдо пахтадур.

Пахтадур инсоният дунёсига ҳусну жамол,  
Элга зебу-эйнату оламга оро пахтадур.

Пахтадан бўлди элимга низзату, шону шараф.  
Бахту давлатга сабаб машҳури дунё пахтадур.

Кўрсатинг меҳнатда Фарҳод ила Мажнундек сабот,  
Бизга оқ юзли гўзал Ширину Лайло пахтадур.

Сайра булбулдек Анисий пахта илҳоми била  
Чунки халқим олдида олий таманно пахтадур.

## ГҮЗАЛ ҚИЗ

Эй гүзал қиз турфа жонон бўлибсан,  
Очиқ чеҳра гулдек хандон бўлибсан.

Гўзалликда ҳеч ким сенга тенг эмас  
Якка ягонаи даврон бўлибсан.

Мусалламдур сенга ҳусну малоҳат  
Сабоҳатда ҳам бир жаҳон бўлибсан.

Кўзинг жаллод эрур киприкларинг ўқ  
Отмоқ учун қоши камон бўлибсан.

Неча йиллар меҳнат тортиб ўқибсан  
Соҳиба илму унвон бўлибсан.

Лекин аҳлоқ китобидан дарс олмай  
Бу тўғрида ажаб нодон бўлибсан.

Дайди кўнгил орқасидан югуриб,  
Таъна ўқларига нишон бўлибсан.

Танбеҳ учун сенга ёэди Анисий,  
Чунки унга хотир нишон бўлибсан.

## **ЮГУР ТЕЗРОҚ**

Эй насимий саҳар югур тезроқ,  
Дўст кўйин фириллаб айла сўроқ.

Бошидан уйрилиб навозиш қил  
Сўнгра пайгамими гузориш қил.

Яъни айт ушбу тонг гулистонда  
Бир гул аввал очилди бўстонда.

Қип-қизил ранги фазий анга ном,  
Оразингни мисолидур батамом.

Тозаликда юзинг нишонасидир,  
Атир бу чун сочингни шонасидир.

Сайри гул ваъдасига айла вафо  
Келди фурсат қадам етур босафо.

Сайри гул дилкушо эмас бедўст,  
Бўл Анисим чаманда, кел эй, дўст.

## М У Р А Б Б А Ъ

Қелди шодлик жононаси кошонамга,  
Айшу тараб майи тўлди паймонамга.  
Куйлай энди тароналар жононамга,  
Қулоқ солсин дунё ҳалқи таронамга.

Жонон келиб базмимизга маҳрам бўлди,  
Вафо расмин тутиб бизга ҳамдам бўлди.  
Аввал баҳор каби кўнглим ҳуррам бўлди  
Бахту иқбол қуши қўнди кошонамга.

Ташрифидан тира кулфат бўлди равшан,  
Висолидан дилим гўё рашки чаман.  
Завқу сафоларга тўлди саҳни гулшан,  
Жоним фидо бўлсин ўшал фарзонамга.

Қел эй соқий, лобарона бизга май тут,  
Хаёл қилмай давра жомин тез-тез юрут.  
Эски жавру жафоларни эмди унут,  
Ҳар кун келсан келма дема майхонамга.

Замонамда бир заррача йўқдур инфоқ  
Кина кудуратдан диллар мусаффо, оқ.  
Бир тан бир жондурлар ҳама билиттифоқ,  
Эй, Анисий қўз тегмасув замонамга.

# УЛФАТ



**Улфат** (*Имодиiddин Қосим ғули*) 1906 йи.ида Андижонининг Ҳурсандлик маҳалласида ўқитувчи оиласида туғилди. Бошлангич саводни отасидан олди. Ҳудди шу ишларда адабиётга меҳр қўйди. 1938 йилда Тошкентда Навоий юбилей комитети ташкил этилиб, шоир Улфат ҳам комитет ишларида иштирок этди. У Навоий асарларини нашрга тайёрлаш текст комиссиясининг атёсси эди. Улуғ Навоий ижоди билан яқиндан танишиш шоир Улфатга катта таъсир кўрсатди.

Улфатнинг талайгина ғазал ва мухаммаслари республика матбуотида босилиб чиқкан.

Ҳозир шоир Улфат Андиконда яшайди.

\* \* \*

Нигорим қоматингни бандасидир сарв боғ ичра,  
Юзингни ҳасратидан лола кўкси доғ тоғ ичра.

Қаро холинг умидида кўнгил зулфингга боғланди.  
Қушидекким қилиб дона тама, қолгай тузоғ ичра

Дамодам оразинг акс айлагай бу чашми пурнамда  
Қуёш акси чўпонким кўрсатур ўзни булоғ ичра.

Хароби лаъли нобинг гар эмасдур бодаи гулгун,  
Нечун давр ичра саргардон кезар йиглаб аёғ ичра.

Асири дарли ишқинг дардсизлар базмида қолғоч  
Бўлур ул турфаким, тўти қолур бир тўда зоғ ичра.

Нигоринг гарчи боқмас Улфато шеъринг кўриб шояд  
Қўшар номингни ошиқлар аро соину саноғ ичра.

## А Р С Л О Н Б О Б

Арслонбоб мұхташам тоғлар аро кент бир дара,  
Бағри кенғ, беҳад әзур үнда ажойиб манзара.

Саҳни күм-күк, сердараҳт, райхону жамбил сабзасы,  
Жон бағишилар бу гүзал водийга икки шаршара.

Рұбарұсида тұқиб савлат, Бобош тоғи ётар,  
Сакрашиб күксіда үйнар, беҳисоб оху бара.

Она меҳридек ийніб, сув тарқатар тұққызы булоқ  
Сувлары андоқ тиниқким, күзгү ҳам ундан хира.

Сайр чоги күэнни мафтун айлагай водийчалар,  
Яшнаган боғ ҳар бири ҳусн ичра бир-бирдан сара.

Хуш ҳавосидек ёқимликтір кишиига ҳалқи ҳам,  
Хоналар холи әмас әз бүйи мәхмондан сира.

Әхтиёт айлаб табиат қудрати бу боғни  
Боққи Үлфат, құрмиш атрофига тоғдан панжара.

## РАЪНОСИГА

**Вола бўлдим бир парининг орази раъносига,  
Кетди ақлим боққач икки нарғиси шаҳлосига.**

**Боғбон ҳайдар чамандин сарв ила шамшодни  
Гар кўзи тушса нигоримнинг қади зебосига.**

**Анбарин зулфин ҳиди тарқалса елнинг мавжидав,  
Басталик тушгай Хўтандада мушкнинг савдосига.**

**Ғамза бирла чиқса жоду қўзларини ўйнатиб,  
Бир боқиш бирла кетар жону кўнгил яғмосига.**

**Неча бор ўлдим, тирилдим кўйида сарсон бўлиб,  
Ул тағофил пешанинг ҳеч келмади парвосига.**

**Гавҳари васлин умидида кечиб жон нақдидин  
Қилди ғаввос ўзни Улфат ишқнинг дарёсига.**

## И С Т А С А Н Г

Эй кўнгил жон ўйнагил ишқ ичра жонон истасанг,  
Бўлмагай ҳосил сенга жонон, агар жон истасанг.

Чекмаса жонинг тикан захмини, келмас қўлга гул,  
Ташла дарё ичра ўэни дурри ғалтон истасанг.

Фунча янглиғ чок қил кўксингни сен ҳам бօғ аро,  
Ким насимий субҳидан бўлмоқни хандон истасанг.

Ёрнинг кўйида бўл собит қадам, мардонавор.  
Ёрдан бу йўлда гар лутф ила эҳсон истасанг.

Меҳрдан гул эк, сочар оламга то бўйн вафо,  
Ким жаҳонда бўлгали бир яхши бўстон истасанг.

Улфато қилсанг талаб ёрингни васлин, иста қўп,  
Қўлга охир келгуси борича имкон истасанг.

## ЎИНАДИ

Саҳнада бу кеча бир гулчеҳра танноз ўйнади,  
Ўзни айлаб дам-бадам соз ила дамсоз ўйнади.

Ўргатиб Лайлига лайлиликнинг расму шеврсин,  
Ақлни Мажнун этиш йўлида кўп соз ўйнади.

Лайли бўлмоқ орзусида замона хўблари,  
Ўйнаганлар бу ва лекин турфа мумтоз ўйнади.

Дилқуши сайд бўлса йўқ ҳаргиз таажжуб бу маҳал,  
Ким кабутар сайд бўлур қай ерда шаҳбоз ўйнади.

Ғамза бирла ўт солиб оламга жоду кўзлари,  
Гўйиё бир базм ичинда икки гаммоз ўйнади.

Қумрию булбул чаман тарк этдилар ўздан кетиб,  
Саҳна боғида қачон сарви хушовоз ўйнади.

Оғилиб ҳуснин гули дил гулшанини қилди ёз,  
Еэди Улфат чунки ул рамз ила деб ёз, ўйнади.

## К Е Л И Б

Мени шод этди бу дам шұхы дилором келиб,  
Қилди кулбамни чаман орази гулфом келиб.

Оқ юзи узра қаро холин этиб дона каби,  
Дил қүшин айлади бу дона била ром келиб.

Хүши кеткач ўзидин, сочига банд ўлди күнгил,  
Билмадимки ёэилур дона била дом келиб.

Рұхи тобонини ул ёпти қаро зулфи била,  
Үйлаким қилди ниҳон күн юзини шом келиб.

Хирманни гулга тұлиб бұлди чамандек мағфил  
Чунки құйди қадам ул сарви гуландом келиб.

Орзу эрди сенга эй күнгил олғил ором,  
Олди күз манзарида дилбаринг ором келиб.

Нақди жонингни қудумига нисор эт Улфат  
Еринг этди сенга ўз васлинин инъом келиб.

## КҮЗЛАРИНГ

**Мунча ҳам бўлмиш гўзал жонона кўзларинг, Ақлни олмоқдан бўлак, жоно, на кўзлар — кўзларинг.**

**Ногаҳон чиқсанг тамошога мени рашк ўлтирур, 1  
Кўргуси деб неча юз бегона кўзлар — кўзларинг.**

**Интизоридур қудумининг кўзим кошонаси,  
Бўлгали меҳмон агар кошона кўзлар — кўзларинг.**

**Наргису оҳуга ўхшатмоқ ани мумкин эмас,  
Қилмаган ҳаргиз хаёл афсона кўзлар — кўзларинг.**

**Нўши жоним май, қадаҳ бўлсин кўзимнинг косаси,  
Гар хумор ортиб маю паймона кўзлар — кўзларинг.**

**Мастлардек кипригингдан қўлда ханжар ўйнатиб,  
Ишқ элин қатлини бебокона кўзлар — кўзларинг.**

**Нозаниним тарки ноз айлаб келиб Улфатга боқ,  
Чунки севгай мендаги ҳайрона кўзлар — кўзларинг.**

## **МУШОИРА**

**УЛФАТ:**

Май ҳароратдан урар ул ораз раънога ўт,  
Орази раъно ёниб гул-гул, урар дунёга ўт.

**БОҚИЙ:**

Оташин рухсоридин куйган эди ою қуёш,  
Эмди кўрким бода тобидин тушар зуҳрога ўт.

**УЛФАТ:**

Кўзларим куйди қизарган юзга термулган чоғим  
Ким кўрибдур куйганин тушгач чуғ дарёга ўт.

**ҲАБИБИЙ:**

Согару саҳбодан ўт тушгай эди базм аҳлиға,  
Ваҳки келди ёр, тушди согару саҳбога ўт.

**УЛФАТ:**

Үрса ўт бундай жаҳон аҳлиға ёнганди юзлари,  
Урмасин май, ҳарғиз ул дилдори бепарвога ўт.  
Бир томонда куйди Үлфат ҳам Ҳабибийдек ёниб,  
Үрди бир ёнда кулимсиб Боқийн шайдога ўт.

## МУСТАЗОД

Қаддингни санавбар деса, нозик юришинг бор.  
Ортиқтаги ортиқ.  
Оғзинг тенг эмас ғунчага, ширин кулишинг бор.  
Ортиқтаги ортиқ.  
Жисмингни бирор пахта деди, мен дедим ортиқ.  
Қылғыл менга тортиқ.  
Тул баргига монанд, гүзалим, хом кумушнинг бор.  
Ортиқтаги ортиқ.

Маржонга баробар деса ҳар кимса хатодир,  
нотұғри бақолиди.  
Қылғанда табассум күринур инжу тишинг бор.  
ортиқұлығы ортиқ,  
Наргис күзинг олдида нечук қадр тополсан,  
ким унга боқолсан,  
Ошиқни хароб этгучи шаҳло күришиң бор.  
ортиқұлығы ортиқ,

Дилбарга жаҳон тўлса, кўзим ўзгага боқмас,  
чунким унга ёқмас,

Афсун била дил олгали минг турфа ишининг бор,  
ортинлиги ортиқ.

Ишқимни бўлакларга қисс айлама жоно,  
мен ошиқи шайдо,  
Лутф ила анга гоҳи боқиб парваришинг бор.  
ортинлиги ортиқ

Хусн ичра дейин гарчи парилар била тенгсан,  
дил ишқингга маскан,  
Улфат қийин аҳволини аммо билишинг бор,  
ортинлиги ортиқ.

# УМАР



Умаржон Есқиев Асака шаҳрида 1919 йилда дебхон оиласида туғилган. «Умар» тағаллуги бўлан қазан тебратувчи бу ғазалхонинг асл касби ҳисобчиликдир. У устозлар ижодидан баҳра олиб, уларга эргашиб, шеърлар машқ қиласди. Баъзи мешҳулари матбуот саҳифаларида эълон қилингандир.

## НИГОРО БИР БОҚИШДА

Нигоро бир боқишда ишқи изҳор этди-ю кетди,  
Кўзим ғафлатда эрди, очди, бедор этди-ю кетди.  
Юроким риштасини дил ипига банду банд айлаб,  
Поёнсиз дарди ғамга чулғади, зор этди-ю кетди.  
Мұҳаббат дарсини ул ибтидоий алғидан бошлаб,  
Анинг ҳар нүқтасидан бир хабардор этди-ю кетди.  
Борурман ахтариб мен, ҳар қадамда шаъм. эрур  
орзум

Висоли завқидин бунча умидвор этди-ю кетди.  
Хабардор ўлди ҳолимдан рафиқу ошинолар ҳам,  
Аларга сиру ишқимни ошкор этди-ю кетди.  
Умар сенким мурувват истагил дилдор **васлидин**  
Мұҳаббат қасрига сабрингни пайдор этди-ю кетди.

## БАҲОР

Ҳуш этиб кўнгилни равшан айлади гулшан баҳор,  
Боғ аро кезгай насим, ул эркалар кирсанг наҳор  
Ям-яшил кийгай либос, ҳар бир дараҳтлар ўзгача  
Шохида қумри-ла тўти, сайрагай беихтиёр.  
Шилдириб оққай зилол сувлар тиниқ, мисли шароб,  
Марварид дурданалар, гул баргига тургай қатор.  
Нозанинлар сайратиб, гулшанда хандон айласа,  
Ҳурлар бўлгай хижил, ҳусни таманноси бекор.  
Тенгги-туш дўстлар кириб, ёзгай кўнгилни дам-бадам,  
Кирмаган одамни бил, ул кўксисда армони бор.  
Боғ аро киргин Умар, чин дўсти ёр улфат билан  
Дўст билан ўтган кунинг, ҳар бир кунингдан эътибор!

## ҚОШУ ҚҮЗИНГ

Икки күз савдосидин, тан бирла жон қилди кенгөш,  
Икки қош ғавғосини, кангул дилим қилди талош.  
Қай бирин ортиқ демак, бўлди манга душвори ким,  
Икки дўст берди савол, қилсан жавоб айланди бош.  
Ҳар қачон қошу қўзинг ёди билан бедориман, 1,5  
Мумкин эрмас ухламоқ гафлат билан сенга қарош.  
Не ажаб, ҳажру ғаминг тортмоқ менга кўп хуш  
эрур

Ўзгалар васлин демак, юлдуз дебон тарки қуёш.  
Сурати қошу қўзинг, олганда наққош кўрмаган  
Кўрса гар мафтун бўлиб, рашк ўтидан қилмасди фош.  
Әй Умар ул қоши ё, шаҳло қўзинг васфини қил,  
Қўзларинг мардумига, жо бўлса шояд өгма қош.

## **ОСТОНА-ОСТОНА**

Ҳақиқий дўсти ёр ўз, ғайрилар бегона-бегона.  
Ҳақиқат олдида мақтov сўзи афсона-афсона.  
Ушал оғир кунинг қўл тутмаса, ҳеч дўсти ёр ўлмас,  
Фаровон кунларингда ҳозири мастона-мастона.  
Ёмондан яхшинн ажратмагунча ким қадр топкай,  
Бўялгач ялтирас тош, бўлмагай дурдона-дурдона.  
Муҳаббат бобида ул, андалибек дил шикаст **бўлмас**,  
Куяр парвона ҳам, лек бир нафас парвона-парвона.  
Ватанин севмаганлар, то абадга хору зор ўлгай.  
Ушал **киндикни** қони, кўп улуғ остона-остона.  
Умар бошингда тутгил, тўтиё айлаб шу тупроқни.  
Нечоғлик мўътабар маскан эрур Фаргона-Фаргона.

## ОРАЗИНГ

**Оразинг** кўрган киши, у гулми ё гулзора дер.  
**Ханжару** киприкларинг, жон олгучи хунхора дер.  
**Бир** эмас икки камон, қошлар танимга ўқ узиб.  
**На илож** этгунг бу кун, қилгум сани садпора дер.  
**Фунчадек** ул лабларинг, очмоққа булбул тонг саҳар.  
**Нола-ю** афғон этиб, ўз ҳолига бечора дер.  
**Қадди** бастингни кўриб, шамшодлар ўлгай куйиб,  
**Ҳарна** ул келди манга, тақдиридан на чора дер.  
**Ой** жамолига Умар ҳар туи кеча муштоқдур.  
**Шуълан** офтобига, кундузлари ман зора дер.

## АРЗИР

Васлинг йўлида кўнгул девона бўлса арзир.  
Мастона қўзларингдан, гирёна бўлса арзир.  
Дил ҳукми бирла сенга, арзимни қилсан изҳор.  
Англаб қулоққа олсанг, дурдона бўлса арзир.  
Оlamга келди мажнун, ишқ ичра подшодур,  
Йўлингда хаста кўнгул, афсона бўлса арзир.  
Зебо бу қоматингга, тан берди неча ошиқ,  
Топарман деб висолинг, мардона бўлса арзир.  
Кўзларга сурма этгум, гардинг агар тўкилса,  
Чиққайми деб эшикдан, остона бўлса арзир.  
Лутф айла сен Умарга, ҳажрига солма асло,  
Гулзори васлингта у, парвона бўлса арзир.

## КУРИБ

Мубтало бўлдим пари лайкар жамолини кўриб.  
Юзлари нақш олмаю, қоши ҳилолини кўриб.  
Кўзлари жоду эрур, олгай қўлингдан ихтиёр,  
Сўзлари жон баҳш этар, мажнуни лолини кўриб  
Қилса гар гуфторким, ночор очилгай ғунча лаб,  
Андалиб дил хастани андак хаёlinи кўриб.  
Ногиҳон тушса қўзинг юрганда ул рафторига,  
Садқалар бўлтинг яна, қадду камолини кўриб.  
Қасди жон айлар манга, ул кипригу ханжарларинг,  
Эътироф айлар кўнгул, чеҳраи олини кўриб.  
Сочларинг ҳар толаси, жисмим аро занжирдур,  
Банду байд айларки ишқим эҳтимолини кўриб.  
Эй Умар ёр васлидин, қилсанг умид узма кўнгул,  
Раҳм этар шояд сенга, афтода ҳолингни кўриб.

## БАСТАКОРЛАРГА

Бастакор ўлмас киши, ишқдин хабардор ўлмаса.  
Ўртамас парвонани, шаъмга гирифтор ўлмаса.  
Даҳр аро бу ишқ әли, ул аҳли дардлар бирла дўст,  
Дўст бўлурму дўстини сўзига иқрор ўлмаса.  
Ишқи аҳли зорини ҳеч ким қиласалмайдур баён,  
То назм бирла муғанний бирга ҳамкор ўлмаса.  
Қанча куч бўлса назм, насида куй бўлмас балинӣ,  
То алар кўз ёшидин, кўксида хунбор ўлмаса.  
Етмагай эрди кишилар ул Навоий қадрига,  
То наво сози чалинмай әлга ошкор ўлмаса.  
Базмигир бўлгин Умар, куй тинглагин суҳбат аро,  
Бермагин кўнгул анга, то ишқ изҳор ўлмаса

## ҲАМИША ЯХШИЛИҚ КҮТ

Ҳамиша яхшилик күт, даҳр аро аҳли расолардин.  
Вафони кутмагин, ҳеч, ул ҳаёсиз норасолардин.  
Фидо қил неча жонинг бўлса ул ҳам жон фидо қилса,  
Йироқлаш аҳли ёлгон, бевафою бебақолардин.  
Тараҳумлик бўлиб қўшили, яро дардига бўл малҳам,  
Этига сидқи дил одам, эрур ул бебақолардин.  
Илм бирла фаросат айлагин, атрофни кўргайсан.  
Ўқиб яхши китобу, сўз эшиггин, кўп атолардин.  
Замона аҳли ичра, ким ширин сўз бўлса кўп хушдуру  
Кўнгулга етди ором, яхши сўз, яхши наволардин.  
Муҳаббат жомидан нўш айламак кимга насиб ўлса,  
Али кайфияти сақлар, кишини ғам балолардин.  
Муҳаббатли кишилар, эй Умарким қалби пок ўлгай,  
Дамо-дам ўтга солмиш, ул ситамгар қоши ёлардин.

## ЖОНОНИМ

Тараҳум чоги келди, ҳолими сўр энди жононим,  
Фалакни саҳнига чирмашмасун деб оҳу ағоним.  
Умр боқи эмасдур, ғафлат аҳли бўлмагин асло,  
Висолинг чашмасидин, баҳра олмай чиқмасин жоним.  
Рашқдан то абад мен, ўт ичида қолганим кўрсанг  
Деб эрдинг қул бўлибдур бул иморат энди вайроним.  
Унутмоқ мумкин эрмас, бу дилимга жо экан меҳринг,  
Анинг чун йўқ ҳаловат, шул сабаб қангул паришоним.  
Назар ҳолимга боқсанг, хаста жоним бўлгуси бардам,  
Фироқнинг торта-торта, қолмагайдур таида дармоним.  
Иўлингда кўз тутибким, бу Умарни ҳоли тонг бўлди,  
Бўлиб муштоқ ҳилолишг, оҳ урарман моҳу тобоним.

## **ФУРҚАТ ФАЗАЛИГА МУХАММАС**

Токи кўрмас билмагай,  
ким одамизод Андижон,  
Билган одам фаҳм этар,  
покиза аждод Андижон,  
Бошқаларга яхши хислат  
бирла устод Андижон,  
Одам эрмас ҳар киши,  
гар айламас ёд Андижон,  
Чув мусофири хотирин,  
айлаб турар шод Андижон.

Хуш ҳаво салқин эрур,  
ул дарё бўй ўлтирсаким,  
Беғубор қишлоқ шаҳар,  
Чўнтақ ҳавоссин сўрсаким,  
Кўзга ташланган гўзал,  
озода жойин кўрсаким,  
Ақли чашми бирла боқсин,  
зи басорат ўлсаким,  
Балдан маҳруси Хўқанд,  
иҷра обод Андижон.

Халқымиз маскан қурғиб,  
дорул бақонинг ишқида,  
Доимо фарзандлари,  
лойиқ баҳонинг ишқида,  
Эй Умар жон сатқа қил,  
аҳли вафонинг ишқида,  
Васки бир Юсуф каби,  
ширин адонинг ишқида,  
Густарур Фурқат санингдек,  
нечча Фарҳод Андижон.

# БОҚИР



*Боқир (Амонулло Валихонов) 1925 йилда Андикон-да зиёли оиласида туғилган, ўрта мактабни тугатиб. 1942 йилдан ӯқитувчилук қилган. У Фарғона Давлат Педагогика институтининг математика факультетиде таҳсил олган. Шоир Боқир ҳозир Андикон Давлат Педагогика институтида математика ӯқитувчиси бўлшиб шиламоқда.*

---

**БУ — ФУЗУЛИЙНИНГ ШУ РАДИФЛИ ФАЗАЛИ  
ЗАВҚИ,  
ВА УНГА НАЗИРА ҚИЛМОҚНИНГ ЖОЗИБАЛИ  
ШАВҚИ.**

Ул паривашким, малоҳат мулкининг султонидир,  
Амр онинг амридир, фармон онинг фармонидир.

**ФУЗУЛИЙ**

Ул гӯзалким, ҳукму фармонининг эл қурбонидир,  
Ҳукм онинг ҳукмидир, фармон онинг фармонидир.

Васли жоним яйратур, ҳажри кўнгулни ўртагай  
Васл онинг васлидир, ҳижрои онинг ҳижронидир.

Ахлу паймон айласа ҳар соҳада, айлар вафо,  
Аҳд онинг аҳдидур, паймон онинг паймонидир.

Коши ёси ўқларин пайконига кўксим нишон.  
Ей онинг ёсидир, паймон онинг пайконидир.

Лутфийр айлаб табассум, лаътилини эҳсон қилур  
Лутф онинг лутфидир, эҳсон онинг эҳсонидир.

Боғу бўстон сайрин этмам ҳусну зулғин олдида  
Боғ онинг боғидир, бўстон онинг бўстонидир.

Сурса кўйлак не ажаб нозук баданинг даврини,  
Давр онинг давридир, даврон онинг давронидир.

Шеъру достон ким ёзар, Боқир, ул ой таърифида,  
Шеър онинг шеъридир, достон онинг достонидир.

\* \* \*

Эй ажаб назокатли нозпирвар, эй танноз,  
Соч шакар, малоҳатли лабларинг очиб бир оз!

Қошларинг қаро қундуз, кипригинг эрур дилдўз,  
Лабларинг ранги қирмиэ, сенга не керак пардоэ?

Соз эли олиб созин қилса мадҳинг оғозин  
Созлар қўяр нозин, созлар аро сен соз!

Меҳр кўргузиб бир дам айлагил ўтимни кам,  
Ҳажр шомин эт барҳам, васл субҳин айлаб соз.

Ишқинг ичраким, эй жон, Боқир ўйнағуси жон,  
Дема сен менга ҳар ои: «Бунча менга сен жонбоэ?»

## РАЙХОН ИСИ

Шукр, ёрим келди — келди боғ ила бўстон иси,  
Сочин ислаб, исладим мен сунбулу райхон иси.

Айладим жонимни то жонон қудумни садқаси,  
Қайта жоним исласам, андин келур жонон иси.

Кокилидан ажралиб, қайтиб яқинлай олмагач,  
Ер юзин босмиш, кезиб, сарсону саргардон иси.

Риштан жонимни, жой олмиш сочининг бандидан,  
Сочидан бўй олгучи бўй олди мушкин жон иси.

Ҳар қачон Боқирни яйратмоқ тиларсен, эй гўзал,  
Қўзғотиб сочингни, тарқат мушкин Учтурфон иси.

## БОҒДАГИ УЧРАШУВ

Кечакурдим бир париваш истироҳат боғида,  
Якка кетиб борур эрди ҳавзининг ўнг ёғида.

Ул қуёш юзли гўзал юзин қуёшнни кўриб,  
Бу Қуёш ёшурди юз Кўк атласи қирғоғида

Гулюзим то истироҳат қилди салқин боғ аро,  
Борча элни доғ этиб, қолдирди жон қийноғида.

Гул юзидан ўт сочиб, ҳар ён шафақгул шуълалар.  
Ярқиратди дур тиши даврин табассум ҷоғида.

Мени кўрган чоғи́ итоб ила деди: «Сен қайдасан?»  
Пўпсалар бирлан яна дўқлар уриб бормогида.

Кўрқутуқ ҳам ваҳм ичра, Боқир, уйғондим чўчиб,  
Тушлигидан воқиф ўлгач, қоврилурман доғида.

## **БУ — БИР АЖОИИБ ОҚШОМ ТАЪРИФИ ВА УНДАГИ ГЎЗАЛ СУҲБАТ ТАВСИФИ**

Мени ўз сұхбатидан баҳраманд этмак қарор айлаб,  
Кеча қулбамга ул ой келди, келмак ихтиёр айлаб

Хаёлу ҳушимни белию сочи банд-банд этди,  
Чу фикру ақлими оғзию холи тор-мор айлаб.

Аёқ сунди лаби сарчашмаи оби ҳаётидан,  
Таним пажмурдасида умри жовид барқарор айлаб.

Хуш улким, сен вафо бобида кўрсатдинг мудом ўэни,  
Ҳамиша йўқу боринг садқан ёру диёр айлаб.

Нечук Боқирнинг овози фалакни тешмасин, охир,  
Бу давлат шукрига гулёр савтин ёр-ёр айлаб.

## БУ ГЎЗАЛ БИР ОЙ СИФОТИ САНАМ АҲЛИ ТОЗА ЗОТИ

Санамимки, барча дилбар элидан гўзал гўзалдир.  
Агар истаса гўзаллар санам, ул санам ўшалдир.

Очилиб жамоли гул-гул, юзи узра холи мул мул  
Сочининг мисоли сунбул, на ажаб гўзал чамандир.

«Хатига зумрад ўхшар!»— деса, янгишишибди заргар  
На латофатини англар, на басорати тугалдир.

Очиб ой юз, эй гуландом, чиқ эшикка ҳар кун оқшом.  
Бу жаҳонга нур эт инъом, қуёшини ҳам уялдир!

Нима ҳад сенгаки, Боқир, ёзасен ул ойдан, охири  
Ёза олса они шоир они мадҳи бебадалдир!

## **ҚҰКЛАМ НАФАСИ ҚҰҚ ҚҮЕШИН АЙЛАСА МАНҚАЛ, ТАРҚАТГАЙ ИЛИҚ ДАМ**

**Кел, эй нафасинг иссиғига әл ҳама маңтал, үсдірғучи  
кұклам,  
Күркем Ватаним ҳұснига сен бергучи сайдал, айлаб  
яна күркем.**

**Зийнатла жақон сағнини турли ранг этиб фош, дерлар  
сени наққош,  
Төг чүққиларин қыл Қүёшинг нури-ла зархал, күрсат  
жұнаринг ҳам.**

**Ҳар лақза табиат дімоғин айла мұаттар, хуш бүй ила  
яксар,  
Гулларни майин тебрата күр ел била ҳар гал, эсdir  
уни ҳар дам.**

**Тогу адир очсин чечагу бағри күкарсын, тортсын киши  
қалбин,  
Ҳар лоласи гүё құлида кичкина машъал тутсын уни  
бардам.**

**Инжу суви ювсин тозалаб ёпроғи чанггин, яшнатгали  
ранггин,**  
**Ранг кўмак ўсумлиқда зумуррадча мукаммал гар  
истаса шабнам.**

**Боқир дегай ўз қалби садосига жавобан кўкламга  
хитобаи:  
«Кўркам Ватаним ҳуснига сен бергучи сайқал, айлаб  
яна кўркам».**

## ВАТАНИМ ҲУСНИ БАҲОРИГА

Эй навбаҳоринг ҳуснидан  
Жону кўнгулларга сафо.  
Жону кўнгуллар айлаган  
Ҳуснинг<sup>2</sup> баҳорин дилрабо.

Ҳуснинг баҳорин яшнатар  
Ҳар гул, баҳорингким, очар,  
Сонсиз ҷечак яшнар-кулар,  
Танҳо баҳоринг ҳусн аро.

Кўрким, баҳоринг ҳуснига  
Булбул тӯёлмай, завқ ила  
Ҳуснинг баҳорин васфида  
Тинмай чекар лаҳну наво.

То нуру тоби офтоб  
Этгай баҳоринг ҳуснеб,  
Ҳуснинг баҳори обу тоб  
Айлади пайдо бориҳо.

Кулгач баҳоринг ҳуснидан  
Ҳуснинг баҳори, эй Ватан,  
Боқир нечук ёзмас экан  
Мадҳингни ҳар шому сабо.

Ҳуқ ғарм 14  
Муҳаммад ғарм

## БОБИР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўнгулга қай куниким бўлди муддао сочинг.  
Ани муҳаббат ила қилди мубтало сочинг.  
Бало ёпишди бошимга кўринди то сочинг,  
Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглима бўлди қаро бало сочинг.  
Бошимдаги сочи савдосини фунун аҳли  
Баҳоламай, уялиб, бўлди сарнигун аҳли.  
Қаро сочини саводи қилиб забун аҳли  
Муяссар ўлди жупун мулки, эй жунун аҳли,  
Сиришки ашкни эмди бугун менго сочинг.  
Үриб, шикаста кўнгулларни чирмалаб яксар,  
Солиб эдинг гириҳин тутқунига, эй дилбар,  
Бўшат гириҳни, кўнгулларга раҳм қиласанг **агар**  
Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,  
Кўнгуллар очилур, очилса гар қаро сочинг.  
Сочингға банд эди кўнгли сочингға нозирнинг,  
Сочинг очилмоғи — очилмоғи бу хотирнинг,  
**Ажаб йўқ, очсанг очилмоғи кўнгли Боқирнинг,**  
Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобирнинг,  
Не айб агар деса: «Дилбанду дилкушо сочинг»**да**

## **АТОИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС**

**Ҳуяла** ёпган сабзадин ер узра кўкламдур бугун,  
**Жилваланган** лола жоми ичра шабнамдур бугун,  
**Мутриби** хушла়жа кори зер ила бўмдур бугун  
**Социё**, келтур майи гулгунки, хуш дамдур бугун  
**Өлами** фархундау наврӯзи оламдур бугун.

**Дам** уруб, гул ҳид сочиб, истаб табнатга најот,  
**Тонг** ели тарқатгали бўйин қилиб ўзни қанот  
**Руҳ** олиб олам, бўлиб мамлуъ машоми коинот  
**Накҳати** боди сабодин топти ўлганлар ҳаёт  
**Ҳаббазо!** Боди сабо Исиий Марямдур бугун.

**Сарвинозим** сайри гулшан айламиш бир кун бутун,  
**Тубию** шамшодини йиқимиш аёғига очун.  
**Демаким**, бир тувию шамшоди бўлмиш сарнигун,  
**Қомати** гулбун чаманлар саҳнида таъзим учун,  
**Соқний** гулруҳ бикин сарв оллида ҳамдур бугун.

**Демаким**, йўқ лолазори-ла безанган тоғча,  
**Сабза** бирла ёки оро топгучи қирғоғиҷча  
**Ҳар оғоч** очмиш чечак, ёзмиш яшил япроғча,  
**Ер юзинда** гулшану, боғу, баҳору, боғча  
**Гунбади** хузро мингизлик сабзу хуррамдур бугун.

То жаҳон саҳни мунаввардур ёргуғ анвор ила,  
Шодлиғ базмин, муқаррардур, тузуш дилдор ила.  
Гар кўнгул ғайри мұқаддардур ғами ағәр ила,  
Ҳар кишигаким, мұяссардур париваш ёр ила,  
Журъайи нұш айламәк, хошоки одамдур бугун.

Гулшан ичра жойи ҳоли бирла майдин журъайи,  
Қадди жон богин ниҳоли бирла майдин журъайи,  
Еки бир дүсті вафоли бирла майдин журъайи,  
Кимгаким, бұлса сафоли бирла майдин журъайи  
Ушбу түққузы шишадин кўнглида не ғамдур бугун?

Лаъли майгунлар гул айёмида мажлис қурсалар  
Иттифоқо, мени ҳам ул базмга еткурсалар,  
Дердим, «Айғил, яхши сўз не мунда?»— деб, гар  
сўрсалара  
«Салсабилу, кавсару, моу, майн келтурсалар  
Жоми май мажлисда барчадин мұқаддамдур бугун!»

Лоларуҳлар ичкуси гул фаслидур саҳбойи соғ,  
Эй мухолиф, бил, бу ҳақда қолмағондур ихтилоф.  
Бир мұқаддас жой экан, деб сен ҳам айлаб эътироғ,  
Қеғи, даме майхонанинг байтулхаромни қил тавоғ.  
Ким, санамлар лаълидин май оби замзамдур бугун.

Боқиро, гул фасли завқин сургали маҳрам керак,  
Ошнолардин кўнгулнинг захмига марҳам керак,  
Ҳамдаминг-ла дардлашмоқга гўзал дам ҳам керак,  
Эй Атоний, бўлма ғофил, бир нафас ҳамдам керак.  
Үмрини ҳам ҳам кечурмаклик басе камдур бугун.

## ФУЗУЛИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Нозаниними гўран дер: «Бу на авлоди башардир?  
На гўзалдирки, гўзалликда юзи рашки қамардир!  
Жилвагар ўлдиги ҳашр ўлдигидан дўгри хабардир,  
Ваҳ, на қомат, на қиёмат, бу на шохи гули тардир?  
На балодир назар аҳлина, на хуш мадди назардир!»

Гелмагин муждаси гелди банга ул руҳи равондан,  
Вернишам зеб пойандозинна ҳам риштаи жондай.  
Дудмазам бап даҳи чекмак-ла қабақ ханси замондан,  
Гўз йўлидирки, гўнгул мулкина хўблар кирав ондан.  
Дудма, биллаҳ, они, эй ашк, ажаб роҳгузардир.

Дўксса дарёи гўзим гавҳари, эй маҳвashi зебо.  
Хандадан очилур эрди дишинги дурлари, жоно,  
Гўз дудубдир дахи онжақ баю савдоя, мабодо,  
На гуҳар ўлса биканмаз, бурохур ёзия дарё,  
Фолибоким, анга мақсуд дишинг киби гуҳардир.

Ишқ нафъи санга билким, зарар, эй зоҳиди худбин,  
Ишқи айб эдмаги эл айб эдар, эй зоҳиди худбин,

Билмамишсан они<sup>ч</sup>айбин магар, эй зоҳиди худбин,  
Ишқ айбини билибсан ҳунар, эй зоҳиди худбин,  
Ҳунариинг айбdir, аммо дедигинг айби ҳунардир.

Бохишинг васл куни чўх ситам айлар банга, эй маҳ.  
Фирқатинг ҳажр туни бин дош урар кўксима ҳар гаҳ.  
Розидирман, қасамимдан сани токим эдай оғаҳ;  
Ситаминг гарчи ямондир, они тарк айлама, биллаҳ.  
Ки тағофил ситамингдан даҳи албатта батардир.

Ағламақдан аламида буроҳуб чўх су, чу дарё,  
Ваҳм әдардимки, дугангайми, деюоб ёши мабодо,  
Шукр: дешилди жигар ғамзалари ўхларидан то,  
Охир ўмаз нечаким гўз ёши охирса ҳамоно,  
Ки дамодам анга имдод қилан хуни жигардир.

Боқири зор чу чўх пўя уриб гўрди бу йўли,  
Ҳажр дарди-ла фироқ ўди онинг ўлди хусули,  
Масбаҳат буки санго, сўзими ўлмазса малули:  
Сарсари босма қадам ишқ тариқина, Фузулий,  
Эҳтиёт айлаки, ғоятда хатарнок сафардир.

## ТУЮҚЛАР

Тұғрилиқка тұғри йүлдан борасен,  
Тұғриларга яхши боқ ұар бора сен.  
Тұғри бұлсанг, тұғри, иқбол әр әрүр,  
Әгриникдан мұбтало идбора сен!

Жон лабингдан бўсае, жонон, тилар.  
Тийри мужгонинг vale бағрим тилар.  
Энди билсам, эй ниғоро, боисин,  
Жон лабингга, дил сочингга интилар.

То қуёш шарқий тарафдан урди дам,  
Тарки базм этди қуёшим ҳам шу дам.  
Эй кўнгул, ҳайратда қолма, нега деб,  
Ойга йўл бергай Қуёш, бил сақла дам!

**МУНДАРИЖА**  
**ШУХИИ**

|                                 |    |
|---------------------------------|----|
| Узбекистоним менинг . . . . .   | 7  |
| Наманган боғидан . . . . .      | 8  |
| Келсанг-чи . . . . .            | 9  |
| Гул қалби йўқми санда . . . . . | 10 |
| Чўлонлар . . . . .              | 11 |
| Бўлмагай . . . . .              | 12 |
| Пахтакор . . . . .              | 13 |
| Ажойиб . . . . .                | 14 |
| Абгор қилмасанг-чи . . . . .    | 15 |
| Хор бўлмас . . . . .            | 16 |
| Гулчи қизга . . . . .           | 17 |
| Ёр уйқуда . . . . .             | 18 |
| Черганимда дуторимни . . . . .  | 19 |
| Шайдосиман . . . . .            | 20 |
| Айласангиз-чи . . . . .         | 21 |
| Ургилсам . . . . .              | 22 |
| Дейдилар Раъно . . . . .        | 23 |
| Шамъи жамолинг ортиб . . . . .  | 24 |
| Айлай десам . . . . .           | 24 |
| Туюқ . . . . .                  | 26 |

## Ш А Р И Ф Н У Р Х О Н

|                             |    |
|-----------------------------|----|
| <b>Май</b>                  | 29 |
| Бухоро                      | 30 |
| Октябрь                     | 32 |
| Ленинга                     | 33 |
| Келинг дўстлар, бирлашайлик | 34 |
| Ҳамид Олимжон               | 35 |
| Севгилим                    | 36 |
| Зилол сув                   | 38 |
| Сиз менга ёр, мен-сизга     | 39 |
| Мевазор бўлсин              | 40 |
| Муҳаббат ойиму              | 41 |
| Зар дарёси                  | 42 |
| Чўпон қиз                   | 45 |
| Кулиб ўтди                  | 47 |
| <b>Рўза</b>                 | 49 |
| Мен ухламай, ким ухласин    | 50 |
| Нос ҳақида                  | 51 |
| Фардлар                     | 52 |

## М У Ш Қ И Й

|              |    |
|--------------|----|
| <b>Ленин</b> | 55 |
| Ёшлик ҳақ.   | 56 |

|                                       |    |
|---------------------------------------|----|
| Нозидан . . . . .                     | 57 |
| Тасаддуқ . . . . .                    | 48 |
| Устоз Алишер Навоий васфида . . . . . | 59 |
| Иштиёқ . . . . .                      | 60 |
| Ўйнасин . . . . .                     | 61 |
| Наврўзи олам мадҳи . . . . .          | 62 |
| Марсия . . . . .                      | 63 |
| Ошиқона шеър . . . . .                | 64 |
| Айланай . . . . .                     | 65 |
| Топди . . . . .                       | 66 |
| Пахта ҳақида . . . . .                | 67 |
| Мушугим қиссани . . . . .             | 68 |

### Х У Ш Н У Д

|                         |    |
|-------------------------|----|
| Баҳор . . . . .         | 71 |
| Черт дүторинг . . . . . | 72 |
| Не умр . . . . .        | 74 |
| Чаманда . . . . .       | 75 |
| Бўл . . . . .           | 77 |
| Ўзбекистон . . . . .    | 78 |
| Баҳор келса . . . . .   | 80 |
| Илм ол . . . . .        | 81 |
| Кексалар . . . . .      | 82 |
| Ўхшар . . . . .         | 83 |
| Ранжитур . . . . .      | 84 |
| Яшайлик . . . . .       | 85 |
| Ўзгача . . . . .        | 86 |

## ҲУЗУРИИ

|                                    |     |
|------------------------------------|-----|
| Оқшом . . . . .                    | 89  |
| Галирсин . . . . .                 | 90  |
| Айтади . . . . .                   | 91  |
| Секингниа . . . . .                | 92  |
| Үргатмагил . . . . .               | 93  |
| Қалам . . . . .                    | 94  |
| Сиёҳдоним . . . . .                | 95  |
| Юрагим . . . . .                   | 96  |
| Жон ҳам, жонона ҳам . . . . .      | 97  |
| Сен бор учун . . . . .             | 98  |
| Лола . . . . .                     | 99  |
| Олма . . . . .                     | 100 |
| Қимиздан қуй . . . . .             | 101 |
| Анор . . . . .                     | 102 |
| Мендану сендан . . . . .           | 103 |
| Нодира ғазалига мухаммас . . . . . | 194 |
| Ҳашам құлма . . . . .              | 106 |

## САИФИИ

|  |     |
|--|-----|
| Саодат юлдузи . . . . .                    | 109 |
| Бұлакча . . . . .                          | 110 |
| Гуландом . . . . .                         | 112 |
| Қамланмасин . . . . .                      | 113 |
| Құзларым ҳайронлиги аввалгидан ортиндиму . | 114 |

|   |     |
|---|-----|
| Ашсанг . . . . .  | 115 |
| Шамъи жамолинг, эй пари, партави жона ўт<br>солур . . . . . | 116 |
| Қилма ситам . . . . .                                       | 118 |
| Дилбарн — барночасен  | 119 |
| Зебо ниҳолимдир менинг . . . . .                            | 120 |
| Шоядки раҳм қилгай . . . . .                                | 121 |
| Қомат . . . . .   | 122 |

#### А Н И С И Й

|                         |     |
|-------------------------|-----|
| Маҳлиқо әрмиш . . . . . | 125 |
| Полалар . . . . .       | 126 |
| Түшибдур . . . . .      | 127 |
| Хунғол . . . . .        | 129 |
| Пахта . . . . .         | 130 |
| Гўзал қиз . . . . .     | 131 |
| Югур тезроқ . . . . .   | 132 |
| Мураббабъ . . . . .     | 133 |

#### У Л Ф А Т

|   |     |
|---|-----|
| Нигорим қоматингни бандасидир сарв боғ ичра | 137 |
| Арслонбоб . . . . .                         | 138 |
| Раъносинга . . . . .                        | 139 |
| Истасанг . . . . .                          | 140 |
| Ҷинади . . . . .                            | 141 |
| Келиб . . . . .                             | 142 |
| Кўзларнинг . . . . .                        | 143 |
| Мушонра . . . . .                           | 144 |
| Мустазод . . . . .                          | 145 |